



ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@mail.uz

2019-YIL 5-SENTYABR, PAYSHANBA, 35 (825)-SON

web sayt: www.21asr.uz

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича қўшимча вазифалар белгиланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 сентябрь куни жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда бу борада ҳам жуда кўп ишлар амалга оширилди. Соҳани бошқаришни такомиллаштириш мақсадида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ташкил этилди. 2019-2023 йилларда жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Аҳолининг жисмоний тайёргарлиги ва саломатлиги даражасини белгилловчи "Алпомиш" ва "Барчино" махсус тестларни ўтказиш тизими жорий этилди.

Беш ташаббус ҳамда "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида спорт объектилари ишга туширилиб, ёшлар спортга фаол жалб этилмоқда. Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатлари голиби бўлган 204 нафар спортчи туман ва шаҳарларга бириктирилди, айримларининг спорт мактаблари очилди.

Юртимиз вакиллари ўтган йилги Осиё ўйинларида жами 70 та, жумладан, 21 та олтин, 24 та кумуш ва 25 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 5-ўринни эгаллади.

Жорий йилнинг ўтган даврида эса халқаро мусобақаларда жами 442 та, жумладан, 145 та олтин, 134 та кумуш ва 163 та бронза медали қўлга киритилди.

Йиғилишда бундан кейинги мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриш, бунинг учун жойларда зарур шароит яратиш масалалари муҳокама этилди.

2020 йилда Токиода бўлиб ўтадиган XXXII ёзи Олимпия ўйинларига тайёргарлик аҳоли қониқарли эмаслиги, қатор спорт федерациялари ва ҳокимликлар юқори натижаларни таъминлайдиган спортчиларга шароит яратишга етарлича эътибор бермаётгани танқид қилинди.

Миллий Олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига саралаб олинган спортчиларнинг яқин ойларида

ўтказиладиган халқаро мусобақаларда юқори ўрин эгаллаб, Олимпиадага лицензияни қўлга киритишлари учун янада кенг шарт-шароит яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Албатта, моддий-техник база муҳим. Лекин натижани истеъдодли спортчи таъминлайди. Бундай ёшларни топиш учун эса кучли селекция тизими зарур.

Аммо жойларда ташкил этилаётган мусобақалар сони ва савияси ҳозирча талабга жавоб бермайди. Мисол учун, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Тошкент, Хоразм, Фарғона ҳамда Қашқадарё вилоятларидаги 131 та шаҳар ва туманда жорий йилги мусобақаларни молиялаштиришга маҳаллий бюджетдан маблағ ажратилмаган. Ёки республика миқёсида ўтказилган 230 та мусобақада айрим шаҳар ва вилоят жамоалари умуман иштирок этмаган. Бу миллий терма жамоалар таркибига маҳоратли спортчиларни саралаб олишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу боис йиғилишда ҳудудлардаги ҳар бир спорт муассасини хатловдан ўтказиб, спорт захирасини шакллантириш, селекция ва истеъдодли спортчиларни танлаб олиш тизимини йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Маълумки, спортчиларнинг тез тикланиб олишлари учун фармакологик кўмак зарур. Лекин юртимизда спорт фармакологияси бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, янги дори воситаларини яратиш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмаган. Бу соҳада малакали мутахассислар ҳам йўқ. Кўпчилик атлетлар допинг бўлмаган қандай моддалардан фойдаланиш мумкинлигини билмайди.

Спорт федерацияларининг бирортасида ҳам терма жамоа аъзоларининг мусобақага тайёргарлиги ва тикланиш жараёнини мониторинг қилиш бўйича комплекс лаборатория мавжуд эмас. Шулардан келиб чиқиб, тегишли вазирликларга спорт фармакологиясини ривожлантириш, спорт федерацияларида илмий-комплекс лабораториялар ташкил этиш бўйича қарор лойиҳаси ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Хорижий давлатлар тажриба-

си асосида Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш бўйича ягона марказ барпо этиш таклифи илгари сурилди.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази ҳамда Республика спорт тиббиёти маркази фаолиятини такомиллаштириш, бу борадаги ўқув дастурлари ва методологияни янгилаш, спортчиларнинг тайёргарлик жараёнига инновацион технологияларни жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Видеоселектор йиғилишида аҳолини, айниқса, ёшларни оммавий спортга кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бунда, аввало, умумтаълим мактабларидаги шароит, муҳит катта ўрин тутди. Лекин мактабларда ўқувчилар жамоавий спорт ўйинларига тўлиқ жалб этилмапти. 2 мингдан зиёд мактабда спорт зали йўқ, 3 мингдан ортғи эса таъмирталаб.

Спортга ихтисослашган мактаб-интернатларда ҳам камчиликлар бор. Масалан, Тайлоқ, Шароф Рашидов, Бухоро, Учқўرғон, Денов туманлари, Наманган, Қарши ва Андижон шаҳарларидаги шундай мактабларда спорт зали, ётоқхона, ўқув бинолари етишмайди.

Болалар ва ўсмирлар, Олимпия захиралари ва олий спорт маҳорати мактаблари тренерларининг ойлик иш ҳақи умумтаълим мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчиларига нисбатан деярли 2 баробар паст. Ўз навбатида, тренерларнинг 51 фоизи ўрта махсус маълумотга эга, 2 мингдан ортқ олий маълумотли мураббийларга эҳтиёж мавжуд.

Олий таълим муассасаларидаги спорт иншоотлари талабаларнинг қарийб 50 фоизини қамраб олиш имкониятига эга бўлса-да, амалда 21 фоиз талаба-ёшлар спорт тадбирларига қатнашмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимиз бўйича 12 мингдан ортқ спорт иншооти мавжуд бўлиб, уларнинг бир кунлик қуввати қарийб 1,5 миллион кишини ташкил этади. Яъни, аҳолига нисбатан спорт иншоотлари билан таъминланиш даражаси 4,5 фоиздан ошмайди. Хусусан, бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида

3,4 фоиз, Сурхондарё вилоятида 3,5, Андижон вилоятида 3,7 фоиздир.

Бундай аҳволда спортни қандай қилиб оммалаштириш мумкин, дея савол қўйди Президент.

Йиғилишда шу каби муаммоларни босқичма-босқич бар-тараф этиш, бунинг учун зарур маблағ ва ресурслар йўналтириш масалалари муҳокама қилинди.

Умумтаълим муассасаларида спорт объекти қуриш ва таъмирлаш, уларни замонавий спорт анжомлари билан жиҳозлаш, ихтисослашган мактаб-интернатларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида спорт мусобақалари ва жисмоний тарбия фанидан олимпиада ташкил қилиб, уларда голиб бўлганларни олий таълим муассасаларига квотадан ташқари имтиёзли асосда қабул қилиш ҳамда уларга спорт тоифаси бериш масаласи кўриб чиқилди. Шунингдек, бундай ёшларни тайёрлаган жисмоний тарбия ўқитувчилари иш ҳақи-га қўшимча устама, юқори тоифа ва унвонлар бериш таклиф этилди.

Соҳа учун кадрлар тайёрлаш қамровини кенгайтириш, интенсив малака ошириш платформасини йўлга қўйиш, мураббийларга талаб юқори бўлган йўналишлар бўйича махсус сиртки бўлимлар ташкил қилиш юзасидан тавсиялар берилди.

Олий таълим муассасаларини, имконияти ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, маълум бир спорт турларига ихтисослаштириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Бу талабаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш баробарида, спорт федерациялари билан ҳамкорлик орқали профессионал спортга маҳоратли ёшларни саралаш имконини беради.

Мутасаддиларга олий таълим муассасалари ва туман (шаҳар) ларни аниқ спорт турларига ихтисослаштириш, юқори спорт натижаларига эришган ёшларни ва жисмоний тарбия ўқитувчиларини рағбатлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан соҳа мутасаддилари ва ҳокимлар ахборот берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Қаҳрамонлари



Муносиб инсонга

муносиб мукофот

– Аёлига юксак эҳтиром кўрсатадиган Ватанимизнинг ушбу олий унвони мен каби барча хотин-қизлар меҳнатига берилган баҳо деб биламан, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, O'zLiDeP фаоли Лолаxon Муротова

Президент фармони билан Олтириқ туманидаги "Нурли обод" фермер хўжалиги раҳбари, O'zLiDeP аъзоси Лолаxon Муротовага "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиши барча фарғоналикларни чексиз қувонтириб юборди. Лола она яқинлари, ҳамюртлари ва маслақдошлари, туман, вилоят раҳбарларининг табриклари қуршовада ўзига хос соддалик ҳамда камтарлик билан миннатдорлик билдирди:

– Мени ардоқлаган халқимга, Президентимга раҳмат!

...Лолаxon Муротова оддий деҳқон оиласида иккинчи фарзанд эди. Ҳали мактаб ўқувчиси бўлса-да, дам отаси, дам онаси билан далага чиқар, ерни экишга тайёрлашдан пахта териб олин-гунга қадар уларнинг ёнидан жилмас эди. Отаси Нетьматжон ака хўжаликда муҳандис экани учунми, унда ҳам техникага иштиёқ пайдо бўлганди, ҳали у, ҳали бу тракторни ҳайдаб кўрарди. Қиз болага механизаторлик оғирлик қилади, деган насихатларга қўлоқ солмади. Мактабни тугаллаб механизаторликка ўқиди.

– Биринчи марта тракторга ўтирган-нида қўлларим қалтираган. Бирор кўч-чатта зарар етказиб қўймай деб оҳиста ҳайдаганман. Кейин отам кабинага чиқиб, ёнимга ўтирган, – деб эслайди у. – "Техникани буйсундириш ўзингга бўлган ишончга боғлиқ, энди асло икки-ланма", деган эди отам ўшанда. Шу-шу, мен бошқармаган қишлоқ хўжалиги те-

никаси қолмади ҳисоб. Эқдим, ишлов бердим, пахта тердим, ер ҳайдадим...

Ўшанда, 1977 йили ёш қизнинг трактор ҳайдаётганини кўрган қўшни туманлардан ҳам тенқурлари келар, шогирдликка олишларини сўрарди. Лолаxon механизатор бўлиб ишлаб юриб, қишлоқ хўжалигининг паст-баландини кўрди. Ҳатто иши йўқ кунлари ҳам даладан бери келмасди. Нега бу майдон-га 90 схемада-ю, бунисига қўшқатор экиляпти, нега чигит навлари турлича, тунда шарбатлаб сугоришининг нафи қандай... Шу каби саволлари билан мутахассисларни ҳоли-жонига қўймасди.

Бир кун хўжалик раҳбари ундаги иштиёқ, меҳнатсеварлик ва ерга меҳр-ни кўриб: "Пудратчи бўласанми, – деб сўраб қолди. – Ўзинг экасан, ўзинг ишлов берасан, ўзинг териб, давлатга сотасан. 50 гектар ер ажратамиз". Лолаxon кутилмаган бундай таклифдан қувониб кетса-да, бироз ўйланиб қолгани ҳам рост. Чунки масъулияти катта. Пудратчининг атрофида унга ишониб бирга ишлайдиганлар ҳам бўлади. Уларнинг тиркичилиги пудрат натижаларига боғлиқ... Қатъийлик болалигидан юққан, таклифни дадил қабул қилди. Механизаторлик қилиб юрган йиллари тўплаган тажрибаси, ўйлаб қўйган режаларини мана энди ҳаётда қўллаш имкони бўлади. Енига ўзига ўхшаган ёш йигит-қизларни тўплаб, астойдил ишга киришди.

2

Халқаро ҳамкорлик

"Единая Россия" таклифига биноан

"Единая Россия" Бутунроссия сиёсий партияси раҳбариятининг таклифига кўра, жорий йилнинг 4 сентябрдан 7 сентябрига қадар O'zLiDeP делегацияси кенг доирадаги ўзаро манфаатли масалалар бўйича партиялараро маслаҳатларни ўтказиш мақсадида Москва шаҳрига ташриф буюрди. Учрашув якунлари бўйича партиялараро ҳамкорлик тўғрисида тегишли келишув имзоланиши кутилмоқда. Ушбу сафар тафсилотлари ҳақида газетамизнинг кейинги сониди батафсил сўз юритамиз.

"ЎЗБЕКISTON ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" АЖ ТАРКИБИДАГИ
"O'ZTEMIRYO'LYO'LOVCHI"
 акциядорлик жамияти

Ҳамиша халқ хизматида

Хизматлар лицензияланган. Реклама

Меҳнат мигрантлари манфаатларини

ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҲУЖЖАТ

унда O'zLiDeP таклифлари акс этган

Сўнги йилларда юртимизда ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга жўнаб кетаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга зарур ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш ва моддий қўллаб-қувватлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмақда.

Шу билан бирга, меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари учун ишончли, шу жумладан, уй-жой ва маънавий шароитларни яхшилаш, молиявий ёрдам, ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш масалаларида ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини яратишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш талаб этилмоқда.

Бундан ташқари, меҳнат мигрантлари ва улар оила аъзоларининг яшаш ва меҳнат фаолияти учун муносиб шароитлар яратиш учун ваколатли идоралар билан республиканинг ҳамда хорижий давлатлар маҳаллий ҳокимият органларининг раҳбарлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, мазкур йўналишда мувофиқлашган фаолиятни таъминлаш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу боис, яъни меҳнат мигрантла-

ри ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, давлат томонидан уларнинг кундалик эҳтиёжлари ва орзу-умидлари тўғрисида ҳар томонлама гамхўрлик қилиш, мамлакат ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ишончли ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя кафолатларини кучайтириш мақсадида 20 август кунини давлатимиз раҳбари навбатдаги яна бир муҳим ҳужжатга имзо чеқди. "Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида"ги мазкур фармон ана шу жиҳатдан янада долзарбдир.


Таомилга кўра ҳар бир янги ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингач, у халқ орасида, тегишли ташкилот ва муассасаларда тарғибот ва ташвиқот этилади, мазмун-моҳияти етказилади. О'zLiDeP Сיעсий Кенгаши Ижроия кўмитасидаги давра суҳбати ҳам аини шу мақсадда ташкил этилди. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири билан ҳамкорликда аини фармоннинг мазмун-моҳияти ва унда белгилаб берилган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган давра суҳбатида партия фаоллари, тегишли вазирилик ва идоралар мутасаддилари, тадбиркорлар иштирок этди.

– Қувонарли жиҳат, ушбу муҳим ҳужжат партиямизнинг амалий таклифлари асосида қабул қилинди, – деди О'zLiDeP Сיעсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Ақтам Хаитов. – Таклифларимиз асосида фармонда фуқароларни хорижда уюшган

ҳолда ишга жойлаштириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини кучайтириш, меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар, шунингдек, оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган аниқ вазифалар белгиланди.

Меҳнат мигрантларига бир йил муддатта сўраладиган ҳужжатлар минимал пакети (паспорт, ариза ва меҳнат органининг илтимосномаси), гаров таъминотисиз, уни тезлаштириб бир банк иш куни давомида беришни расмийлаштириш маъқулланди. Бундан ташқари хорижда ишга жойлашиш билан боғлиқ булган ҳаракатларни тўлаш учун 2 миллион сўм миқдориде микроқарзлар бериш тизими жорий этилмоқда. Шу билан бирга ҳар бир сугурталанган меҳнат мигрантга йилига бир марта таба 50 миң сўм миқдориде хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида ҳаёти ва соғлиғи ҳамда бошқа тавақалчиликларни сугурталаш бўйича сугурта мукофоти суммасини қоплаш учун сугурта компанияларига бир йўла субсидия тақдим этиш тартиби ишлаб чиқилдиган бўлди. Шунингдек, уй-жой шароитларини яхшилашга эҳтиёжманд меҳнат мигрантларига 2020 йилда куп квартираларни уйлардан республика бўйича жами 3 462 та хонадон ажратилиши белгиланди. Партия томонидан ишлаб чиқилган шу каби таклифлар фармонда ўз аксини топди.

– Шунингдек, эндиликда чет элда мушкул аҳволга тушиб қолган ёки ёрдамга муҳтож меҳнат мигрантлари масофавий мурожаат қилишлари мумкин, – деди Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари ва-



зири ўринбосари Баҳодир Умурзаков. – Аини ишлар Ягона миллий меҳнат тизими доирасида, яъни "Labor - migration" дастурий комплекси орқали амалга оширилиши белгиланди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳужжатга кўра эндиликда вақтинча меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун хорижга жўнаш истагини билдирган фуқароларга онлайн режимида ишга жойлашиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида ахборот бериб борилади.

Бир сўз билан айтганда, фармон меҳнат мигрантларининг қонуний ишлашга булган рағбатини оширади. Шунингдек, меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий

тамоилларини ҳаётга татбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Давра суҳбатиде юртбошимизнинг мазкур муҳим фармони хорижда меҳнат қилаётган ҳар бир Ўзбекистон фуқароси эндиликда эътиборда, ҳимояда эканини, яъни мамлакатимиз фуқаролари қаерда, қандай шароитда меҳнат қилишдан қатъи назар, ҳақ-ҳуқуқлари давлат ҳимоясига олиниши каби бир қатор имтиёз ва имкониятлар мазмун-моҳиятини аҳолига, айниқса бутун чет элда ишлаш орзусида юрган ёшларга етказиш лозимлиғи борасида аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Нурхон ЭЛИМРЗАЕВА,

"XXI asr" мухбири

Суратлари Шуҳрат РАҲИМОВ олган.



Муносабат

Аини шиддатли замонда аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни иш билан таъминлаш биз учун энг долзарб вазифа бўлиб келмоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мустақиллигимизнинг йигирма саккизи йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқиде ҳам бу жиҳатга алоҳида ургу берилгани бежиз эмас. "Бизнинг барча иқтисодий ва ижтимоий дастурларимиз, йирик инвестиция лойиҳаларимиз, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларимизнинг марказида аинан шу муҳим масала асосий мақсад ва вазифа бўлиб турибди" деди давлатимиз раҳбари.

Аёлнинг оилада ҳам, жамиятда ҳам ўрни юксак

Кези келганда айтиш жоизки, О'zLiDeP "Аёллар қаноти" томонидан ҳам ушбу йўналишларга жиҳдий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, "Бунёдкор аёллар", "Соғлом оила – мустаҳкам оила", "Ишбилармон аёл", "Фаровон оила" каби йирик партиявий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти. Хусусан, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган "Бунёдкор аёллар" лойиҳаси доирасида янги тадбиркор, фермерларни кашф этиш, жойларда аиниқса, чекка қишлоқларда янги иш ўринлари яратиш ниятида ташкил этилган ўқув-семинарларда 10 миңдан ортқ хотин-қиз иштирок этди. Ушбу лойиҳа натижасида республикамиздаги етакчи тижорат банклари томонидан худудларда истиқомат қилаётган 1 024 нафар опа-сингилларимизга 8 миллиард сўмга яқин миқдорда кредит ажратилди.

Партияимиз томонидан аёллар йўналишида илгари сурилаётган яна бир йирик лойиҳа бу – "Ишбилармон аёл" кўрик-танловидир. Жорий йилда мазкур танлов доирасида 200 дан ортқ тадбир ўтказилиб, уларда ўн миңдан ортқ хотин-қизлар иштироки қамраб олинди. Муҳими шундаки, қўллаб аёлларимизни тадбиркорлик, фермерлик, ортиб-корчиликка бўлган қизиқишлари янада ортқ, уларнинг 100 дан ортқи шу соҳанинг илгор вақилига айланибди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли

иштирок этишига эришиш, гендер тенглик ва репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича ҳам кенг қўламли ишлар қилиноти. Аиниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш бўйича янги тизим яратилди. Ана шу тизим асосида 1 миң 564 нафар хотин-қиз нафақат уй-жойга, иш ўринларига ҳам эга бўлишди.

Ҳар бир соҳада фидойилиғи ва садоқати билан меҳнат қилиб, юксак марраларга эришиб келаётган хотин-қизларимизнинг ютуқлари ҳам салмоқли. Аини пайтда Олий Мажлис Сенатида – 17 нафар сенатор, Қўнуччилик палатасида – 21 нафар депутат аёллар фаолият олиб бормоқда. Маҳаллий кенгашларда эса халқ вакилларининг 23 фоиздан зиёдини хотин-қиз-

лар ташкил этади. Мингдан ортқ аёллар маҳалла фуқаролар йиғинини бошқариб келмоқда. Шундай бўлса-да, ўзгариш ва янгиликларга бой кечаётган давр бутун барчамизнинг олдимизга янги-янги талабларни қўймоқда. Президентимиз аини масалага алоҳида эътибор қаратиб, Олий Мажлис Сенатининг йиғирманчи ялли мажлисидаги маърузасида парламентда ва маҳаллий кенгашларда аёллар улшини қўлайтириш, ижтимоий шароити огир аёлларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни иш билан таъминлаш масалаларида нодавлат ташкилотларнинг иштирокини фаоллаштириш каби бир қатор вазифаларни белгилаб берди. Шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис Сенатида янги тузилма – Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича кўмита тузиш таклифи илгари сурилди. Бу тузилма, албатта, мамлакатимиз ҳаётида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, уларга кенг имкониятлар яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Булларнинг барчаси аёл, она муқаддаслигининг, уларга эътибор қаратиш жамиятта эътибор қаратиш эканининг амалдаги исботидир. Бу тамойил "Аёллар қаноти" мизнинг, фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолади.

Мавлуда ХУЖАЕВА,
Олий Мажлис Қўнуччилик палатаси депутаты,
О'zLiDeP Сיעсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари

Муносиб инсонга муносиб мукофот

Бошланиши 1-саҳифада.

– Биринчи йили роса қийин бўлган. Баҳор ёмғирли келди. Экиш муддати ортқа сурилди. Натижада чигитнинг бир қисми чириб кетди. Май ойининг ўрталарида чала жойларга яна қайтадан экиш, – дея эслади Лолахон. – Кўзимга уйку келмасди. Бундай пайтда ерга такрор ва такрор ишлов бериш керак. Шундай қилай десам, ёшилги лимити деган гап чикди. Қўшимча ҳаражатни даромаддан қоплаймиз, дедим-у, ўзим трактор рулига ўтириб, даладан чикмадим. Ернинг захи кўтарилди. Тупроқ қуёш нуридан қувват олди. Кейин гузалар бирдан кўтарилди. Минерал ўғит бериш билан бирга шарбатни аямдик. Дала шийпони уйимиз бўлди. Бир вақт гуллар шигил кўракка айланди. Ниҳоят хўжалиқда биринчи бўлиб ва энг юқори ҳосилдорлик билан мажбуриятларни адо этдик. Биз билдикки, ирода билан қилинган меҳнат ва агротехникадаги қатъийлик албатта ижобий натижа беради.

Эришган ютуқлари туфайли пудратчи Лолахон Муротованинг номи тез тилга тушди. Энди уни туманда ўтадиган йиғинларга таклиф қиладиган, ҳурмат кўрсатиб сўз берадиган бўлишди. Аммо булардан гурурланиб кетмади. Бир гектардан 40-50 центнер ҳосил олиш учун кўчат сони қанча бўлиши керак, сугоритида сув тежамкорлиғига эришиш учун нима қилиш лозим... шу каби саволлар унга тинчлик бермасди.

– Илгари эркимиз ўзимизда эмасди. Мана бу наъни экансан, фалон кундан бошлаб ишлов берасан, фалон пайтда теримга тушиш мумкин... Бу каби чекловлар аслида қишлоқ хўжалиғига путур етказарди. Деҳқон ернинг ҳақиқий эгаси бўлмолади. 2006 йилга келиб, "Нурли обод" фермер хўжалигини тузди. Энди биз деҳқонлар тажриба ва шароитдан келиб чиқиб, қачон нима иш қилишни ўзимиз белгилай бошладик.

Янги фермер хўжалиғи учун ер ажратилар экан, Лолахон Муротовани яна бир синовдан ўтказишди. Марказий Фаргона чўлларида туташ, қўмлоқ, зах, унумдорлиғи

паст майдонларни унга беришди. Яна тинимсиз меҳнат кутарди уни. Аввало экин даласини қайта қарташтирди. Ҳар бир майдон учун тупроқ таркибидан келиб чиқиб алоҳида "даволаш" йўл харитасини тузди. Кеч куз ва қишда деҳқон дам олади одатда. Аммо Лолахон фидойи ҳамқишлоқлари билан на кундузи, на кечаси тиним билди. Шўр ювди, чўқур юмшатилмаган ер қолмади. Тезоб майдонларни плёнка остида чигит экишга тайёрлади, мартнинг дастлабки кунлариде аёқ уруғ қадади.

– Мен пахта етиштирувчи Хитой, Америка, Ҳиндистон, Миср каби давлатлар тажрибаси билан қизиқдим, – дейди Лолахон Муротова ҳамкасбларига даласида ўтган семинарда. – Нега уларда ўртача ҳосилдорлик юқори? Биз қишлоқ хўжалиғига инновацион усулларни кўркамдан жорий этишимиз зарур!

Фаргона вилояти деҳқончилик маданияти юқорилиғи, қишлоқ хўжалиғиде илгор иш усулларини дадил қўлайдиган, ернинг ҳар бир қаричини қадрлайдиган етуқ мутахассислари билан ҳам машур. Давлатта дон сотиш режаси мамлакатда биринчилар қаториде ортқи ҳосилдорлик бўлиши учун кўчатлар билан бажарилди. Бошқа туманларда пахта далаларини қўриб қайтган Лола оланнинг фирчра, пахта хирмони ҳам ошиб-тошадди, ҳосил мўл. Шубҳасиз, бу онгли меҳнат, илмий ёндашув натижасидир.

Президентимизнинг Фаргона вилоятига ташрифи чоғиде берган ҳаётий тавсиялари, йўл-йўриқлари асосида иш юритилгани боис энг аввало, ҳалол меҳнати билан юрт тараққиётига хизмат қилаётган бободехқоннинг қадр-қиммати жой-жойига қўйлаётгани даладаги иш унумига, айниқса ҳосилдорликнинг ошишига ҳам таъсир қўрсатди. Масалан, 2018 йили вилоятда битта пахтачилик кластери ташкил этилгани, мамлакатда биринчи бўлиб режани бажарди. Натижадан манфаатдорлик хисси янги кластерларни шакллантирди. 2019 йили 9 та туман қишлоқ хўжалигининг шу илгор усулига ўтди. Кластерлар 40 та чигит экиш, ерга ишлов бериш техника воситасини сотиб олди. Натижада биринчи чигит қадаш ўтган йилга нисбатан 15 кун аввал

яқунланди. Риштон туманида энг кўпи билан 15 центнер пахта ҳосили оладиган фермер хўжалиғи бор эди. Инновацион усул – томчилатиб сугоритишга ўтилган, бугунги чамалашга кўра, ҳар гектардан 41 центнердан хирмон кўтарилиши кутилмақда.

2019 йилгача томчилатиб сугоритиш технологиясини жорий қилиш 3,7 миң гектар, эгатга қора плёнка ётқизиб сугоритиш 4 миң гектар, эгилувчан қувурлар билан сугоритиш 10 миң гектар майдонга жорий қилинди. Бунинг натижасида 120 миллион метр куб сув иқтисод қилиноти. Ишчи кучи, техника хизмати 15-20 фоиз қамайтиришга эришилди. Қолаварса, илгор усули қўлланган 12 та фермерга 1,1 миллиард сўм субсидия берилди. Сугоритиш насослари учун электр энергияси бепул қилинди...

Лола Муротованинг жонқуралиги кенгрок майдонларда ана шундай янгиликларни жорий этиш, қишлоқ хўжалигини янги бошқича олиб чиқиш зарурлигини белгиланган эди. Унинг далаларида туман фермерлари иштирокида гузанинг "Наманган-77" наъни экиш, "Уруғлик пахта етиштириш", "Маҳаллий ўғит жамғариб", "Ерларни чигит экишга тайёрлаш ва экиш" ва "Дон экиш" мавзуларида кўргазмалы семинарлар ўтказиб келинмоқда.

"Нурли обод" фермер хўжалигининг экин майдони 488,4 гектарни ташкил этиб, ҳозирги кунда 207 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Тажрибали фермер тупроқ унумдорлигини яхшилаш мақсадида сўнги уч йилда 120 миллион сўмлик мелиорация ишларини амалга ошириб, экин майдонларининг балл бонитетини 41 баллдан 50 баллга оширишга эришган. 2016-2018 йилларда хўжалиқда 1764,6 тонна пахта ва 6946,1 тонна галла етиштирилиб, шартнома мажбуриятлари 120-130, 150-160 фоизга бажарилган.

– Бу йил галладан ўртача ҳосилдорлик 80 центнердан ошди, – дейди Лола Муротова. – Соф фойдадан яна 3 та техника сотиб олдик. Фермер хўжалиғи ҳисобига қолган дондан 274 тоннасини ишчиларимизга тарқатдик...

Қаҳрамон фермер бу гапларни оддийгина қилиб айтди. Деҳқон-

чиликдан бироз бўлса-да хабардор инсон ушбу рақамлар ортқида қанчалик машаққат ётганини ҳис этади. У қандай ютуққа эришса, дарҳол бошқариш билан баҳам кўради. Ёш фермерларга тупроқ унумдорлигини ошириш, юқори ҳосилдорликка эришиш борасида амалий ёрдам кўрсатади. Жумладан, худуддаги 2 та фермер хўжалиғиде унинг маслаҳати билан иш юритилиб, ҳосилдорлиғи ўртача 30-31 центнердан пахта ерлардан 33-34 центнерга, галлачиликда 40-45 центнерлик ерларидан 55-60 центнер хирмон кўтаришга эришилди.

Лолахон Муротова фермер хўжалиғи даромадларини нима қилар экан, деган савол туғилиши табиий. Албатта, аввало ишчиларини рағбатлантиради, техника воситаларини янгилаш, инновацион лойиҳаларга ажратади. Аини пайтда хайрия ишларида ҳам намуна кўрсатиб келмоқда. Шу йилнинг ўзида кам таъминланган оилалар, ногиронлар, яқса-ёғлиз кексаларга 30 миллион сўмлик ҳоимийлик ёрдами кўрсатган. Шунингдек, 1 та кўп фарзандли ва кам даромадли оилага хўжалиқ ҳисобидан қорамол олиб берилди, 12 дан зиёд ёшларга уй қуриш ва тўй-ҳашамларини ўтказишга кўмаклашилди.

Миришкор фермернинг меҳнатлари йиллар давомида давлатимиз томонидан муносиб тақдирлаб келинмоқда. "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиғи ходими" фахрий унвони берилди. "Эл юрт хурмати" ва "Фидокорона хизматлари учун" орденлари топирилди. Мана, энди Лола Муротова "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак мукофотга сазовор бўлди.

– Аёлга юксак эҳтиром кўрсатадиган Ватанимизнинг ушбу олий унвони мен каби барча деҳқон хотин-қизлар меҳнатига берилган баҳо деб биламан, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, О'zLiDeP фаоли Лолахон Муротова. – Шу билан бирга, мазкур мукофот мен учун янада юксак масъулият ҳамдир. Бундан бунён ҳам Аллоҳ берган умрни Ватаним равақиде, қишлоқ хўжалигини юксалтириш йўлида бахшида этаман.

Муҳаммадjon ОБИДОВ

Тараққиётнинг ўқ илдизи

ёхуд хизмат кўрсатиш (сервис)нинг мамлакат имижини оширишдаги муҳим ролі хусусида

Авал муддао

Давр талабидан келиб чиқиб, "2020 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш (сервис) иқтисодий тараққиёт стратегияси"ни ишлаб чиқиш вақти келди деб ҳисоблаймиз ва уни ҳаётга татбиқ этиш масаласини кун тартибига қўймоқдамиз. Бунга етарли асослар мавжуд.

Маълумки, мамлакатимиз сиёсий майдонда 15 йилдан кўпроқ вақт мобайнида фаолият юришиб келётган Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг дастурий мақсадларидан бири – бозор иқтисодига асосланган ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишидир. Шу йилнинг 22 август кунини сиёсий партиялар раҳбарлари билан бўлган учрашууда давлатимиз раҳбари ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўтири талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олишини алоҳида таъкидлади.

Бу жуда ўринли ва вақтида қилинган даъват. Чунки бу йилги сайловлар кескин рақобат шароитида ўтиши кутилмоқда. Шундай экан, ушбу муҳим тадбирга пухта асосга эга янги ғоялар билан кириб бормасак, мақсадимизга эриша олмаймиз.

Хизмат кўрсатиш (сервис) иқтисодиётини нима?

Савол туғилади. Ҳўш, хизмат кўрсатиш (сервис) иқтисодиёти ("servis economiy", "сервисная экономика") деганда нима тушунилади? Шу бўйича жаҳон тажрибаси қандай ва ўз навбатида Ўзбекистонда бу борада қилинган ишлар қониқарлими?

Масалани назарий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, бу – иқтисодий фаолиятнинг моддий ишлаб чиқаришдан хизмат кўрсатишга ўтиши билан изоҳланадиган ҳамда жамият ривожланишида узоқ тарихий босқичда шаклланиб, мослашиб келаётган ишлаб чиқариш муносабатларининг йиғиндисидир. **Хизмат кўрсатиш (сервис) иқтисодиётининг асосий манбаси бу ахборот ва билимдир.** Хизмат кўрсатиш – кундалик ҳаётдаги эҳтиёжларни қондиришга фаол қўмақлашда ҳамда жамият иқтисодий шарт-шароитлари ва муносабатларини, аҳоли турмуш шароитини ва интеллектуал салоҳиятини, билим ҳамда кўникмаларини, истеъмол талабининг ўзгариш бориш жараёнларини ишлаб чиқариш соҳасига узлуқсиз татбиқ этиб боради. **"Хизмат кўрсатиш иқтисодиёти"нинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, агар хизмат кўрсатиш (сервис)га "товар" деб қарасак ва шу товар – хизмат кўрсатиш (сервис)ни сотиш учун унинг баҳосини ҳисоблаб чиқсак, товарга кетган харажат бу – хизмат кўрсатишнинг ўзидангина иборат деган оддийгина хулоса чиқаришимиз мумкин.**

Мазкур соҳа нафақат иқтисодий тушунча, балки **ижтимоий-иқтисодий фаолият ҳам саналади.** Чунки хизмат кўрсатиш йўналишидаги бандликнинг улуши шу давлатнинг ривожланиш даражаси ва аҳоли фаровонлигини акс эттирувчи асосий индикаторлардан биридир.

Масалан...

Ақсарият ривожланмаётган ёки ривожланиш босқичига энди ўтаётган давлатларда, аҳолининг тўртдан уч қисми қишлоқ ҳўжалиги боғланган. Тараққий топган давлатларда аксинча: ишга яроқли жами аҳолининг бор-йўғи 10 фоизини ташкил этади. Ҳатто етакчи 20 таликча кийрайдиган ва бу соҳада бор имкониятдан фойдаланмаган давлатларда ҳам хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолининг камида 50 фоизи банд. Айниқса, хизмат кўрсатишдан олинаётган фойда ЯИМнинг 4/3 қисмини ташкил қилаётган давлатларда, ЯИМга нисбатан "хизмат кўрсатиш иқтисодиёти"нинг улуши, хусусан, Люксембург 85 фоиз, Франция 87 фоиз, АҚШ 86 фоиз, Бельгия 85 фоиз, Англия 83 фоизга, шунингдек, Жануби-шарқий Осиёдаги баъзи мамлакатлар, жумладан, Гонконгга 94 фоиз, Сингапурда 91 фоизга етган. Хизмат кўрсатишнинг юқори даражасига эришган давлатларда қонда тарқасида молия, кредит, кафилик, кафолат, сугурта, таълим, туризм, тиббиёт, алоқа ва ахборот, инновацион ва нано технологияларга асосланган хизматлар ўрин олган. Испания, Италия ва Францияга ўхшаган давлатларда ЯИМ асосини туризм соҳасидаги хизмат кўрсатиш ташкил этади. АҚШнинг қатор компаниялари эса ишлаб чиқаришга алоқадор хизматларни сотиш орқали ишлаб чиқаришдаги даромаднинг камида 50 фоиздан кўпроғига эгаллик қилади.

Бизда қонунчилик асоси яратилган, аммо...

Сир эмаски, мамлакатимизда ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилди. Гарчи мазкур ислохотлар замон ва ҳалқаро талаблар даражасига тўла жавоб бермасда-да, қонунчилик асосини яратишга хизмат қилди. Хусусан,

хизмат кўрсатиш ва фаолиятнинг тартибга солиш ва рўхсат бериш тартиб-тамоийларига оид яхлит қонунлар қабул қилинди. Бироқ айни вазифа ижросини кузатиб борувчи самарали норма ижодкорлиги, мақбул ҳуқуқий механизм амалиётда ўзининг муносиб ўрнини топмади. Тан олиш керак, йиллар давомида қабул қилинган хизмат кўрсатиш соҳасидаги мавжуд ҳуқуқий асослар тизимга оид муносабатларни у ёки бу жиҳатдан тартибга солиш, чеклаш, талаблар белгилаш, лицензиялаш, рўхсат бериш, сертифициклаш, гувоҳнома бериш тартиб-тамоийларини белгилашга урғу берилган умумий қолпик ва таснифдаги ҳуқуқий мажмуа сифатида шаклланди. Бунинг далилини шу даврлар оралиғида 400 дан ортиқ фаолият турларига рўхсат бериш тартиб-тамоийлари жорий этилганида ҳам қўриш мумкин (буёунги кунда ҳам 100 га яқин шундай тартиб-тамоийлар сақланиб турибдики, тараққий топган давлатларда бундай талаблар 8-10 тадан ортмайди). Натижада 1990-йиллар бошида иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 33 фоиз атрофида бўлгани ҳолда қатор йиллар давомида асосий статистика (15-18 фоиз ўсганлиги қуруқ ҳисоботларда) юритилиб, бугунги кунда ҳам ЯИМда (2018 йил – 35,6 фоиз) унинг улуши сезиларли даражада ортмади.

Маъмурий усул натижа бермаяпти

Ислохотларнинг манъий давоми сифатида 2006-2010, 2012-2016, 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улушини 55 фоизгача оширишнинг мақсади параметрлари тасдиқланган.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурлари мақсадли параметрларнинг амалга оширилиши юзасидан маъмулларга шахсий жавобгарлик юқлатилган. **Лекин бу соҳада эркин бозор механизмларининг амал қилиши мақсадга мувофиқлиги, маъмурий усулнинг натижа бермаслиги ва етарли даражада эътибор қаратилмаган.**

Аҳолига турли ижтимоий ва коммунал-مائий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш орқали соҳа ривожига туртки бериш кўзланган. **Шундай бўлса-да, коммунал соҳадаги монополия, маъмурий хизмат кўрсатишда янгиликка интиломаслик, талабни кутиб кун ўтказиш, том маънодаги хизмат кўрсатиш ва сервис манбаи, яъни ахборот ва билимни соҳада кенг қўлламаслик бу вазифанинг ҳам лозим даражада ижросига таъсир этмасдан қолмаяпти.**

Айниқса, коммунал ва барча турдаги транспорт – логистика соҳасидаги ҳақдан ташқари монополиялашув, алоқа хизматидаги яширин – ярим монополия мазкур фаолият турларида ҳам соғлом рақобат муҳитини инкор этиб, бир маромдаги кўрсаткичларнинг сақланиб қолишига замин яратган.

Қишлоқларда хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш, хизмат кўрсатишга иختисослашган касб-хўналар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари ичидан ёшларни кенг жалб этиш талаби эса соҳа ривожига билим таъсир кўрсатган. Негаки, хизмат кўрсатиш ташкилоти мулкдорни соҳани ривожлантириш учун маълум билим ва малакага эга мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқини ҳар доим ҳам амалга ошира олган. Бунга яна бир омили – таълимда соҳаларнинг ҳақиқий мутахассисини тайёрлаш эмас, балки ОТМларда белгиланган қатъий квота доирасида дипломи кадрларни чиқариш ва замон талабларига мос бўлмаган таълим дастурларини ўз вақтида янгиланмагани, кадрлар тайёрлашда жамиятнинг бозор қондалари асосида ривожланаётгани эътибордан четда қолгани сабаб бўлган.

Ажратилган имтиёзли кредит ресурслари хизмат кўрсатишга иختисослаштирилган амалдаги тадбиркорлик субъектларини техник ва технологик жиҳозлаш мақсадида йўналтирилган. Имтиёзли кредитга устувор ҳуқуқ қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиётган тадбиркорлик субъектларига берилган. Ваҳоланки, ушбу амалиёт ҳам кўпгина ҳолларда Шарқий Осиё ва МДХ давлатларидаги энг замонавий талабларга жавоб бермайдиган техник ва технологик жиҳоз келтирилиши натижасида ўз самарасини бермаган. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатишга талаб ва тақлимнинг нуомувофиқлиги, яъни кредит бўйича устувор ҳуқуқга зарурат бўлмагани ҳам кўзланган мақсад рўёбга чиқмаганига асос бўлган. Умуман олганда, хизмат кўрсатиётган микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар, қишлоқ жойлардаги маъмурий хизмат кўрсатишчиларга берилган имтиёзлар рақобат муҳити ривожига ижобий таъсир кўрсатмаган.

Энди 2018 йил яқунлари ҳақида...

Юқоридеги хизмат кўрсатиш соҳасида хорижий тажрибага қисқача тўхталган эдик. Энди ўз тажрибамизни **2018 йил яқунлари мисолида, статистик маълумотларга таянган ҳолда таҳлилий жиҳатдан қўриб чиқсак. 2018 йил-**

да ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 5,1 фоиз ўсиб, ҳажми 407,5 трлн сўмни ташкил этган. Унда саноат улуши – 26,3 фоиз, қурилиш соҳаси улуши – 5,7 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалиги – 32,4 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳаси улуши – 35,6 фоизни ташкил қилган.

5,1 фоиз ўсиш ЯИМ таркибида саноат улуши – 2,1 фоиз, хизматлар кўрсатиш – 1,8 фоиз, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар – 0,6 фоиз, қурилиш соҳаси – 0,5 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси эса – 0,1 фоизни ташкил этади. Энди 2018 йил ЯИМдаги хизматлар кўрсатиш соҳасининг (1,8 фоиз) таркиби бўйича, ташиш ва сақлаш билан боғлиқ хизматлар 3,7 фоизга, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 15,3 фоизга ўсиб, умумий 1,8 фоиздан 0,5 фоиз улушини, сотув, савдо, яшаш ва овқатланиш хизматлари 4,4 фоизга ўсиб, умумий 1,8 фоиздан 0,3 фоиз улушини, қолган хизматлар турлари – 5,4 фоизга ўсиб, умумий 1,8 фоиздан 1 фоизни қамраб олган.

Демак, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида меҳнатга лаёқатли аҳолининг қариб 34 фоизга яқини алоқадорлигидан келиб чиқсак, **ЯИМ қишлоқ ҳўжалигининг улуши 0,1 фоизни ташкил этаётгани ушбу соҳада "хизмат кўрсатиш иқтисодиёти стратегияси" доирасида қатор ислохотлар ўтказиш заруратини таъқоз этади.**

ЯИМда 26,3 фоиз улуши бўлган саноат соҳаси таркибига ҳам бир назар солади-ган бўлсак, саноат соҳасида ишлаб чиқилган ЯИМнинг 22,7 фоизи – тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлашга, 70 фоизи – ишлаб чиқаришдан (қайта ишлаш) саноатига, саноатнинг бошқа тармоқларидаги улуш эса атиги 7,3 фоизга тенг.

Англашилмоқдаки, саноат соҳаси ривожининг бундай таркибий улуши хизматлар кўрсатиш (сервис) соҳаси ривожига ҳам салбий таъсир этмай қолмайди. **Зеро, саноат, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари бир-бирига чамбарчас боғлиқдир.**

Шундай экан, энг аввало, "хизматлар статистика"си – статистика фаолиятининг нисбатан янги тармоғи бўлиб, унинг аҳамияти республика инфорацион тизимининг макро-иқтисодий кўрсаткичлари, миллий ҳисобчилик ва ҳалқаро миқёсда тан олинган статистика принципларига ҳамоҳанг тарзда шакллантиришга ўтишни кечиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб беради. Зеро, сўнгги ўн йилликда дунё миқёсда хизмат кўрсатиш соҳаси шиддат билан ривожланмоқда. Хизматлар экспорти ва импорти харитаси тобора кенгайиб, глобал аҳамият касб этмоқда.

Деталлаштирилмаган кўриниш

Бугун "ақлли иқтисодиёт", "хизмат кўрсатиш иқтисодиёти" ёки "иқтисодий шахс" деган тушунчалар хизмат кўрсатиш соҳасида янгилик сифатида баҳоланмаяпти. Яъни, бу сўзлар кенг истеъмолга кирганига ҳам етарли вақт ўтди. Бироқ юртимизда соҳани ривожлантириш бўйича маёқ бўлиши мумкин бўлган хизматлар статистикасини юритиш ҳали-ҳамон алоқа ва ахборотлаштириш, молиявий, транспорт, қурилиш соҳаси, яшаш ва овқатланиш, савдо хизматлари, кўчмас мулк билан боғлиқ, ижара, таълим, солиқни сақлаш соҳасидаги, компьютерлар ва маъмурий товарларни таъмирлаш каби санокчи хизматлар бўйичагина деталлаштирилмаган кўринишда олиб борилмоқда. Умуман олганда, бугун юртилаётган статистикани қайта қўриб чиқиш, тақомиллаштиришга зарурат мавжуд.

Масалан, қурилиш соҳасидаги қатор ишларни бажариш хизмат кўрсатишга оид статистикада кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидаги товар, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш тушунчалари бир-бирига жуда яқиндир. Лекин ишларни бажариш бу – пудрат ва ҳақ каби моддий неъмат яратадиган ишларни бажариш саналса, хизмат кўрсатишда эса алоқа хизмати, тиббиёт, ветеринария, аудиторлик, маслаҳат, ахборот хизматлари, таълим бериш, сайёҳлик хизмати ва бошқалар каби моддий неъмат яратмайдиган соҳалар тушунилади.

Тақлимларимиз

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш (сервис)ни ривожлантириш стратегиясига бугун ҳар қачонгидан-да кўпроқ эҳтиёж бор. Мақсад – ишлаб чиқариётган стратегия доирасида ЯИМда соҳа улушини камида 80 фоизга олиб чиқиш, шу бўйича йўл харитасини тузиш ҳамда унда қўйидагиларга эътибор қаратилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Стратегияда долзарб вазифа сифатида, хизмат кўрсатиш (сервис)ни тараққий эттиришнинг мавжуд ҳуқуқий асоси ўзини оқламаганини эътироф этган ҳолда:
 - энг илгор давлатларнинг бу борадаги норма ижодкорлигини таъқиб қилиш;
 - миллий қонунчилигимиздаги айни шу бугунги танқидий нуқтаи назардан қайта қўриб чиқиш;
 - тўғридан-тўғри амал қилувчи, ҳалқаро стандартлар талабларига тўла жавоб берадиган соҳа қонунчилигини яхлит асосини яратиш, жумладан, Ўзбекистон Республи-

касининг хизмат кўрсатиш (сервис) кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилши мақсадга мувофиқдир.

2. Хизмат кўрсатиш (сервис) соҳасини ривожлантиришда маъмурий усулдан бутунлай воз кечиш, фаолиятга бозор механизмларини, "ақлли бошқарув"ни жорий этишга қаратилган Илмий-амалий маслаҳат маркази фаолиятини йўлга қўйиш. Бунда асосий эътибор хизмат кўрсатиш (сервис)ни ахборот ва билим яратишнинг назарий, амалий қўлла-насини ишлаб чиқиш, амалий кўникмаларининг асосларини яратиш ва татбиқ этишга қаратилади.

3. Хизмат кўрсатиш (сервис)ни ташкил қилувчи ахборот, гоини тўғридан-тўғри тоқим механизмининг тақомиллаштириш, биргина патент бутун бошли фабрикадан самаралироқ бўлиши мумкинлигига доир илгор таълимни амалиётга татбиқ этиш. Бунинг учун патент, муаллифлик ҳуқуқи, рўхсат олиш, лицензиялашнинг соддалашган ҳуқуқий механизмининг кечиктириб бўлмайдиган му-датларда жорий этиш керак бўлади.

Бизнингча...

Соҳада фаолият юритаётган аҳоли сони салмоқли бўлса-да, улар фаолияти асосан йirik корхоналарда ташкил этилгани боис хизмат кўрсатиш (сервис)нинг асосий қисми маълум бир режаларга таяниб қолган. Натижада хизмат кўрсатишдаги аксарият қатлам давлат ва давлат ҳўжалик бошқаруви баҳасида кундалик бир хил фаолият билан машғулдир. Шунингдек, асосан ички истеъмолга, ички талаб ва тақлим имкониятлари доирасида боғланиб қолган тор доирадаги мавжуд талабларни қаноатлантиришга қаратилган миллий хизмат кўрсатиш (сервис)ни "хизмат кўрсатиш экспорт, импорт, хизмат-товар" урф ва қондаларига мослаш зарур. Зеро, хизмат кўрсатиш соҳаси энг юқори ўринларда турмуш давлатларда мазкур қонда институционал аҳамият касб этиб, соҳага давлат бошқарувининг барча институтилари, жумладан, маҳаллий ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам шерикчилик асосида жалб этилган. Соҳада юқори динамизм, ҳудудий сегментация, хизматларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишнинг маҳаллий табиати, капитал айланмасининг юқори тезлиги, бозор шароитидаги юқори сезувчанлик, хизматлар ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кичик ва ўта кичик субъектлари (микробизнес субъектлари), ишлаб чиқарувчилар ва хизматдан фойдаланувчиларнинг тизимли узвий алоқалари, хизматларнинг юқори даражадаги дифференцияси, истеъмолнинг персонализацияси ҳал қилувчи роль ўйнайди. Уни қўллаб-қувватлаш механизми – ҳар қандай асосий хизматни махсус, қўшимча хизматлар томонидан қўллаб-қувватлашда акс этади. **Айнан қўшимча хизмат истеъмолчинини жалб қилишда асосий ўринда туради.** Халқаро иқтисодиётда қўшимча ва махсус хизматларнинг кенг ифодаси рақобат тушунчасини ҳам ўзгартириб юбормоқда. Ушбу ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган чора-тадбирларда, албатта, стратегия йўналишлари ўз ўрнини топиши керак.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати – хизмат кўрсатиш (сервис)ни ривожлантиришда энг мақбул бўлган корхоналар фаолиятини ва кўламини кенгайтиришдир. Бунда франшизинг – комплекс тадбиркорлик – фирма номидан, қўриқланадиган тижорат ахборотидан, мутлак ҳуқуқларга кирувчи товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва иштиролар ҳамда бошқалардан фойдаланиш ҳамда ундан фойда

ХУЛОСА ЎРНИДА

Ҳаёт синоваларидан ўтган – ахборот, билим ва интелектта таянган илгор ҳалқаро тажриба шуни кўрсатишдаки, хизмат кўрсатиш ҳар бир замонавий давлат иқтисодиётида локомотив сифатида иқтисодиётнинг барча соҳалари ўсишига хизмат қилмоқда. Бу замоннинг инкор этиб бўлмас ҳақиқати. Соҳага жиддий эътибор қаратиш келажакда юртимиз иқтисодий ривожига муносиб ҳисса қўшади, албатта. **Мулоҳазалар ниҳоятда шуни таъкидлаймизки, хизмат кўрсатиш (сервис) соҳаси ҳам интелект ёрдамида ташаббус кўрсатиш, таваккалчилик билан қилинадиган тадбиркорлик фаолиятидир.** Тадбиркорликнинг бошқа турларидан ўзига хос хусусияти эса унинг иқтисодий вазифаси билан бирга ижтимоий вазифаси ҳам борлигида кўринади. Соҳага дахлдор ҳар бир масъулчи, ҳар бир фаол фуқаролик позициясига эга шахсини "сервисни ривожлантириш давлатни тараққий эттирмоқ"дир, деган гоини ҳис этишга даъват қилади.



Нуриддин МУРОДОВ,
O'zLiDeP *С*иёсий
Кенгаши Ижроия кўмитаси
котибият мудирини,
ҳуқуқшунос

топиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш механизмининг жорий этишда ташаббускорликни таъминлашга қаратилади.

Яна тақлимлар...

– Хизмат кўрсатиш (сервис)ни ривожлантириш стратегиясига фуқаролик қонунчилигини, хусусан, "Мулкчилик тўғрисида"ги қонунни ўз қучини йўқотган деб топиш масаласини кўриб чиқиш, Фуқаролик кодексининг янги тахририни қабул қилиш жараёнида юрidik шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, юридик шахс бўлмаган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақомларини оптимальлаштириш, юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларини унда ишловчи шахслар сонига қараб белгилаш эмас, балки умуман бу борада ижобий илгор тажрибани имплементация қилиш, аутсорсинг тизимига урғу бериш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, АКТ технологияларининг ривожлантиришда тараққиётга қандай таъсир қилса, хизмат кўрсатиш (сервис)ни ривожлантиришда ҳам шундай ҳал этувчи таъсирга эга. Шу нуқтаи назардан миллий иқтисодиётимизни глобал иқтисодиётга интеграциялашув, яъни хизмат кўрсатиш (сервис) соҳасида АКТ ускуллари ва интернетдан янада интенсив фойдаланиш хизматларини ривожлантириш тенденцияларига эътибор орқали миллий хизмат турларини кенгайтиришга қаратилган аниқ дастурлар асосида йўлга қўйиш лозим. Чунки соҳани ривожлантиришга олиб келаётган ижтимоий ўзгаришлар, аҳоли даромадларининг ўсиши ёки акси, турмуш тарзининг ўзгариши, ўсишининг маданий ва маърифий даражаси, истеъмол хизматларининг мутлақ ва нисбий мувозаънати, хизмат кўрсатишнинг ҳалқаролашув ва халқаро миқёсга чиқиш учун тайёрликка ўндайдир. Шу боис хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг янги бозорларга кириб бориши, муҳим стратегик иттифоқларнинг юзага келаётгани, трансмиллий хизмат кўрсатиш экпорт ва импорт компанияларининг кенгайиши, чунончи, хизматлар экпорти компанияларининг қўллаб-қувватлаш қонунчилигини яратиш галдаги вазифа сифатида белгиланади;

– хизмат кўрсатиш (сервис)ни ривожлантиришда "кредит иқтисодиёти", яъни кредитга асосланган бизнес операциялар, кредит маълумотлари ва хизматларини бир ҳисобдан бошқасига ўтказиш, тўлов операцияларнинг электрон чек, кредит карта, электрон пул ва бошқа кўринишдаги нақд пулсиз тўлов шаклларида ютуқлардан кенг фойдаланиш муҳим.

Дарвоқе, туризм...

Охириги пайтда туризмин ривожлантириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилди. Қисқа вақтда натижа ҳам ёмон бўлмади. Шу билан бирга, туризмин ривожлантириш учун хизмат кўрсатиш (сервис)ни ривожлантириш эмас, аксинча, хизмат кўрсатиш тараққий эттириш орқали туризм ривожига муносиб шароит қозирлаш, туризмнинг кенг қулоч ёйишига йўл очиш мумкинлигини эътироф этиш, **хизматлар кўрсатиш+ишлаб чиқариш+туризм** формуласини ҳаётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Шундангина хизматлар кўрсатиш генератори ёрдамида туризм инфраструктураси яратилади, туризмнинг ўзи эса комплекс хизмат кўрсатиш соҳаси сифатида кенг ривожланади.

“Келажак – бизники, марра – бизники!”

О‘зЛиДеР Сурхондарё вилоят Кенгаши томонидан Денов туманида Ватанамиз мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан “Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!” шиори остида ўтказилган форум ана шундай номланди.

Ёшу қарида катта қизиқиш уйғотган форум доирасидаги тадбирларда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов ҳам иштирок этди.

Мутолаа – ҳаётинг эҳтиёж

Мутолаа инсон тафаккурини чарчлайди, дунёқарашини кенгайтиради. Ҳаётда рўй бераётган воқеалар борасида чуқурроқ мулоҳаза юритишга ундайди. Шу боис ҳам ҳар доим китобга эҳтиёж сезамиз. Ёшлар эса буни катталардан ўрганишади.

Айни мақсадда форум доирасида “Чағонийн” китоб савдо марказида бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий, тиббиёт ва психологияга оид бир-биринан қизиқарли нашрлар кўргазмаси ташкил этилиб, ярмаркага ота-оналар

фарзандлари билан келишди.

Форум меҳмонлари “Innovative education” ўқув марказида кўшимча таълим олаётган ёшлар билан учрашишди. Сўхбат жараёнида йигит-қизларнинг бугунги яратилган имкониятлар туйғайли эришаётган ютуқлари ҳақида сўз борди.

Спорт иродани тоблайти

Денов туманидаги “Афросиёб” стадионида ўтказилган муай-тай, каратэ, кураш ва бадиий гимнастика бўйича мусобақаларда

барча маҳаллаларнинг спортсевар ёшлари ўзаро куч синашди.

– Анчадан буён дарсдан бўш вақтимда болалар ва ўсмирлар спорт мактабидаги қаратэ тўғрисида қатнашман, – дейди тумандаги 78-мактаб ўқувчиси, қаратэ бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Қувончбек Муҳаммадиев. – Ушбу спорт тури бўйича мусобақаларда қатнашиб, ютуқларга эришиб келяпман. Бугунги баҳсда ҳам голибликни қўлга киритдим. Спорт менинг ҳаётимда катта ўрин эгаллайди. Нафақат соғлом ва бақувват бўлишимга, балки иродам тобланишига, ўзимга ишончим ортишига ёрдам беради.

Беллашув қатнашчиларига О‘зЛиДеРнинг эсдалик совғалари топширилгани ёш авлодга ўзига хос рағбат сифатида спортчилар сафи кенгайишига хизмат қилади.

Фермерлар янги дастурни муҳокама қилишди

О‘зЛиДеР нафақат тадбиркор ва ишбилармонларнинг, айни пайтда фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг манфаатларини ҳам мунтазам ҳимоя қилиб келаятгани ҳеч кимга сир эмас. Уларни қийнаётган муаммолар атрофида ўрганилиб, тезда бартараф этишга партия фаоллари томонидан кўмак берилаётир.

Форум доирасида ҳам фермерлар билан очиқ мулоқот ўтказилди. “Лочин” маҳалласи худудиде бўлиб ўтган самимий учрашувда О‘зЛиДеРнинг янгилашган дастури лойиҳаси муҳокама қилинди.

Партия дастурининг аграр соҳага оид устувор йўналишлари хусусида ҳосилдор-



ликда юқори натижаларга эришаётган фермерлар ўз тажрибалари мисолида фикр билдиришди. Деҳқонлар ишига ҳалақат қилаётган масалаларнинг ҳуқуқий ечими бўйича таклифларини баён этишди.

“Шашмоқашоб” да БПТ очилди

Мустақиллик йилларида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бугун ҳатто ҳовлисиде бир парча ери бўлган одам ҳам ундан унумли фойдаланадиган тадбирли кишига айланмоқда. Натижада кўпчиликнинг рўзгорига барака қиряпти. Мамлакат иқтисодиётига ҳисса қўшаётган йирик тадбиркорлар сафи кенгайяпти. Форум иштирокчилари ана шундай тадбиркорлик субъекти фаолияти билан яқиндан танишишди. “Шашмоқашоб” агросаноат фирмасига қарашли ип-калава йигирув фабрикасидаги шарт-шароит ва имкониятлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишди.

– Фабрикамиз бир кунда 360 тонна ип-калава ишлаб чиқаради, – дейди корхонанинг ходимлар бўлими бошлиғи Абдулатиф Тошматов. – Маҳсулотимизни шу йил бошидан бери Россия, Хитой ва Туркияга экспорт қиляпмиз. Келгусида мато ишлаб чиқариш учун тўқимачилик корхонасини ишга тушириш ниятидамыз. Фабрикамизда айни пайтда 320 киши меҳнат қилмоқда, уларнинг салмоқли қисми О‘зЛиДеР аъзоси ҳисобланади.

Танишув ниҳоясида мазкур тадбиркорлик субъектида партияимизнинг янги бошланғич ташкилоти очилди.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА



Халқ депутатлари Бойсун туман Кенгашидаги О‘зЛиДеР депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Х. Холбоев ҳисоботи эшитилди.

Бойсунга жунни қайта ишлайдиган корхона керак

Бойсун туманида 413 та фермер хўжалиги фаолият юритиб келмоқда. Хўш, ушбу хўжаликлар экин майдонларидаги ҳосилдорлик, экспорт масалалари бугун қай аҳволда? Ҳоким ўринбосарининг ахбороти мазкур саволга жавоб беришдан бошланди.

– Туманда 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, экиладиган ерлар 15 361 гектар, пичанзор ва яйловлар 139 302 гектар, ўрмонзорлар 64 686 гектарни ташкил қилади, – деди Х. Холбоев. – Жоний йил ҳосили учун 408 гектар майдонга бошоқли дон экинлари, лалми ер майдонларининг 1711 гектарига ғалла экилган. Ғалладан бўшаган 408 гектар майдоннинг 165 гектариде тақририй экин етиштирилмоқда. Бундан ташқари, тумандаги боғзорлар 650 гектарни ташкил этиб, 7,8 минг тонна ҳосил олиш режалаштирилган. Шу кунгача 52,3 минг АҚШ долларига тенг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспорт қилинди, шундан 387,3 тоннаси

мева-сабзавот, 1,5 тоннаси эса асал маҳсулотидир.

Эшитув давомида Бойсун туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Х.Хўжаев лалми ерларга бошоқли дон экинлари ўрнига масхар экини экилса, ғаллага нисбатан 2 баробар даромад келтириши, маҳсулотни қайта ишлаш натижасида эса ундан-да кўп даромад олиш мумкинлиги тўғрисида таклиф берди. Туман кенгаши депутати П.Орипов эса қўй ва эчки жунларининг ташлаб юборилаётганини ҳисобга олган ҳолда чет эл технологияларини келтириб, Бойсунда жунни қайта ишлайдиган корхона ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

Кун тартибидеги масала юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар, таклифлар бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши юзасидан қарор қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

Фракция аъзолари Қизирикка нега келишди?

Мустақиллик байрами арафасида жойларда истиқлолнинг халқимиз ҳаётида нечоғлик аҳамият касб этгани, ортда қолган даврда қўлга киритилган ютуқлар, олиб борилган ислохотлар сарҳисобига бағишланган давра сўхбатлари, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилиши анъанага айланган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О‘зЛиДеР фракцияси ва партия Сурхондарё вилоят Кенгаши ташаббуси билан Қизирик туманида ташкил этилган ана шундай анжуман томорқа ер эгалари, фермер ва тадбиркорлар билан очиқ мулоқотдан бошланди. Иштирокчилар ўзларини қийнаётган муаммолар ҳамда бизнес муҳитини ривожлантириш борасидаги таклифлари билан ўртоқлашди.

– Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ташкил этилгани, янги ташкилот

ўз бизнесини йўлга қўймоқчи ёки кенгайтирмоқчи бўлган юртдошларимизга яқиндан кўмак беришини эшитиб, хурсанд бўлдим, – дейди “Нурбек Ихтиёр миришқори” фермер хўжалиги раҳбари Ихтиёр Холиқов. – Фермер хўжалиқларига ерни чуқур юмшатувчи хориж техникаларини харид қилиш учун имтиёз берилиши бўйича таклиф билдирдим. Агар хўжалиқларда шундай техникалар бўлса, шудгорлаш жараёнида хусусий корхоналарнинг техникаларини қиммат нархда ижарага олиб фойдаланишга ҳожат қолмасди.

Иштирокчилар ёшларнинг тад-



биркорликка оид дастлабки кўникмаларини шакллантириш учун консультант хизматини йўлга қўйиш, ер ажратилиши ва имтиёзли кредит олиш каби ўнга яқин муносабат ҳамда таклиф билдиришди.

– Қизирик туманига келиб, тадбиркор, фермер ва томорқа ер эгаларининг фаолияти билан яқиндан танишдик, – дейди партиянинг парламент қўйи палатасидаги фракцияси ижрочи котиби Тоир Салимов. – Одамларни қийнаётган муаммоларни ўргандик, таклифларни тингладик. Биз бу муносабатларни депутатлик сўровлари орқали тегишли вазирликларга етказамиз, муҳим масалаларни эса парламентнинг ҳуқуқ соати институтидан фойдаланган ҳолда кўриб чиқилишига фракция таклифини берамиз.


Ёш тадбиркор ва фермерларнинг 10 нафарига О‘зЛиДеР аъзоси гувоҳномалари топширилди. Шундан сўнг туман фермерлари, томорқа ер эгалари ва тадбиркорлари амалга оширган инвестиция лойиҳалари, улар ишлаб чиқарган маҳсулотлар, шунингдек, “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Yoshlar – kelajagimiz”, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари асосида амалга оширилган ишлар намойиши бўлиб ўтди.

– Ўн йилдан бери балиқчилик билан шуғулланаман, – дейди Зартепа маҳалласида жойлашган “Жануб тонги дийри” балиқчилик фермер хўжалиги раҳбари Улугбек Қўшбоқов. – 5 гектар майдондаги табиий кўлда йилга 12 тоннагача балиқ ва 2,5 гектар сунъий ҳавзада 10 тоннагача балиқ чавоғи етиштириш имкониятига эгами. Хитой технологияси асосида 10 тоннагача омухта емни қайта ишлаб, балиқчилик хўжалиқларига етказиб берамиз. Бу йил Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси кўмаги билан Афғонистонга 10 тонна тайёр балиқ ва чавоқ экспорт қилиш бўйича шартнома имзоладик. Бугунги кўргазмада ана шундай маҳсулотларимиз билан қатнашдик. Шунингдек, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи янги қарор, меъёрий ҳужжатлар ҳақида ҳам батафсил маълумотга эга бўлдик.

Кўргазмада хунармандчилик, асаларичилик маҳсулотлари, замонавий мебель ҳамда қурилишда ишлатиладиган хомашёлар ҳам намойиш этилди. Яқунда Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов қуйланган ажойиб термалар йиғилганларга хуш кайфият улашди.

О‘зЛиДеР Сурхондарё вилоят Кенгаши матбуот хизмати





“Мен O‘zLiDePни танладим”

Нуробод туманида Мустақиллигимизнинг 28 йиллигига бағишлаб айти шу шиор остида ёшлар фестивали ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бешта муҳим ташаббусини амалиётга татбиқ этиш, навқирон авлодни ватанга садоқат руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиш, ёшларни спортга кенг жалб қилиш, азму ши-жоатли йигит-қизларни партия атрофида бир-лаштириш мақсадида туркум тадбирлар ташкил этилди.

Мамлакатимизда етакчи сиёсий куч ҳисобланган O‘zLiDePни танлаган лидерлар фестивалида туман ёшлари ўртасида миллий кураш, шахмат-шашка, бадий гимнастика, стол тенниси бўйича мусобақалар, Мустақиллик кўчаси бўйлаб 6 чақиримлик масофада веломарафон уюштирилди. Ғолибларга O‘zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгашининг ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

– Алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ёшларимиз орасида спортга қизиқиш кун-

дан-кунга ортомқда, китобга меҳр кўйганлар ҳам талайгина, – дейди “Ёшлар қаноти” фаоли Мафтуна Умирзоқова. – Бизга бу байрам тадбири жуда ёқди. Нурободлик ёшларнинг аксарияти O‘zLiDePни танлашининг боиси ҳам мана шундай амалий ишлар туфайлидир.

Мазкур фестиваль доирасида туман марказидаги Ёшлар кутубхонасида O‘zLiDeP бурчаги ташкил этилди ва партия вилоят Кенгаши томонидан бу муассасага 50 га яқин китоб совға қилинди.

Дарҳақиқат, партия дасту-

рида қайд этилганидек, XXI аср интеллектуал кадрлар ҳукм сурадиган даврдир. Шунинг учун ҳам партия фуқаролар, айниқса, ёшлар ва аёлларнинг интеллектуал юксалишини қўллаб-қувватлайди, бу борада ўз салоҳиятини намойиш этишга кўмаклашади, меҳнатини энгилаштириш учун шарт-шароитлар яратилишига жиддий эътибор қаратади. Мамлакатни модернизациялаш ва замонавий жамиятни барпо этиш билан боғлиқ мураккаб вазифаларни ҳал қилишга қодир кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш масаласи келгусида ҳам партия фаолиятининг энг муҳим йўналиши бўлиб қолади.

“Мен O‘zLiDePни танладим” фестивалининг ташкилотчи ва иштирокчилари Нуробод туманидаги Гирдиқўрғон маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи чин етимлар – Нозигул ва Ойдиной Пардаевлар хонадонидан бўлишди. Тақдир тақозоси билан ота-онасидан эрта жудо бўлган опа-сингиллар давла-

тимиз раҳнамолигида Самарқанд шаҳридаги “SOS” болалар маҳалласида тарбияланди. Яхши билим олишди. Бугун Нозигулнинг Самарқанд давлат медицина институти 5-курсда ўқиётгани ҳам илмга интилиш ва уларга яратилган шароитлар натижасидир. Қувонарлиси, Нозигул ва Ойдиной Пардаевлар истиқлол айёмини Нуробод туман ҳокимлиги томонидан ажратилган 2 хонали уйда қарши олишди. Партия фаоллари опа-сингилларни байрам билан табриклаб, ошхона мебели ва буюмларини совға қилишди.

Мустақиллигимизнинг 28 йиллигига бағишланган ёшлар фестивали доирасида Нуробод туманидаги Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Жанубий кон бошқармаси қошидаги БПТ фаоллари O‘zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгашининг ташаккурномалари топширилди. Мазкур БПТ энг фаол бошланғич ташкилотлардан бири бўлиб, 157 нафар аъзони бирлаштирган.

Фаоллар Меҳрибонлик уйида



Ватанимиз бўйлаб байрам шукухи давом этаётган шу кунларда партиянинг тадбирлар ҳам изчил давом этмоқда. Бундай мулоқотлар турли йўналишлар кесимидаги муассасаларда ташкил этилаётгани эътиборга моликдир.

O‘zLiDeP Самарқанд шаҳар Кенгаши томонидан 10-Меҳрибонлик уйда “Ҳеч ким эътибордан четда эмас” шиори остида хайрия тадбири уюштирилди. Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та ташаббус тарғиботи доирасида турли мусобақалар ўтказилди.

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати, “Бофанда” акциядорлик жамияти раҳбари Азиз Аҳроров

болажонларга кийим-кечаклар улашди. – O‘zLiDeP Самарқанд шаҳар Кенгаши фаолларининг кўпчилиги тадбиркорлар. Бундай хайрия тадбирларини уюштиришда уларнинг ўзлари ташаббус билан чиқишгани кўнгилни чоғ қилади. – дейди O‘zLiDeP Самарқанд шаҳар Кенгаши раиси Фармон Очилов.

Тадбирда “Tesko plus” МЧЖ бош директори Азиз Мунисов томонидан байрам дастурхони ёзилиб, 150 нафар болажонга совға-саломлар тарқатилди. – Партиянинг фаоллари Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг тақдирига бефарқ эмас, – дейди халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати Лола Абдуллаева. – Бу каби тадбирларни ўтказишдан мақсад кичиктоиларда ҳозирдан тадбиркорликка қизиқиш уйғотиш, уларни ватанпарвар қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Бахтигул ҚАРШИЕВА, O‘zLiDeP Самарқанд вилоят Кенгаши матбуот котиби

Йўллар равон, манзиллар яқин бўладими?

Когон туманида ҳам аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилган бунёдкорлик ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Мазкур йўналишдаги муҳим тадбирлардан бири ички, вилоят ва давлат аҳамиятидаги йўлларни ўз вақтида таъмирлаш ҳамда талаб даражасида фойдаланишга топширишдир. Халқ депутатлари туман Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси раҳбари О. Комиловнинг ҳисоботи тингланди.

Ҳисоботда таъкидланганидек, кейинги пайтда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, худуд инфратузилмасини ривожлантириш юзасидан 2019 йил учун белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилган. Белгиланган режага мувофиқ, “Обод қишлоқ” дастурига киритилган “Нурафшон”, “Сиёз-поён”, “Ху-



куматобод” МФЙларга қарашли аҳоли яшаш масканларига олиб борадиган умумий узунлиги 33,3 километрдан иборат йўлларни тартибга келтириш бўйича муайян ишлар бажарилган. Бироқ бу борада айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Гап шундаки, ичимлик суви қувурлари ва канализация тармоқларини ўтказишга масъул корхоналарнинг сусткашлиги оқибатида йўлсозлар томонидан белгиланган ишларни ўз муддатида низоҳасига етказиш кечикмоқда. Мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари бу ҳақда жиддий ўйлаб қуришлари лозимлиги ҳисоботда ва депутатлик гуруҳи аъзолари чиқишларида алоҳида тилга олинди. Шу йил охиригача режалаштирилган таъмирлаш-қурилиш ишларининг бекаму кўст ва ўз вақтида адо этилиши юқорида тилга олиб ўтилган салбий ҳолатларнинг бартараф этилишига кўп жиҳатдан боғлиқлиги қайд этилди. Шу кунгача 3,4 километрлик ички йўлларда, 146 километрлик вилоят ва 33 километрлик давлат аҳамия-

тига молик йўлларда тегишли таъмирлаш-тиклаш ишлари бажарилиб, бу борадаги ишларни йил охиригача тугаллаш кўзда тутилгани депутатларга маълум қилинди.

Муҳокама этилган масала бўйича сўз олган маҳаллий кенгаш депутатларидан О. Очилдиева, О. Азимов, Б. Муродов ва бошқалар “Ҳар бир оила – тадбиркор”, “Yoshlar – kelajagimiz”, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг чекка ҳудудлардаги ижроси хусусида транскриптор экан, жойларда транспорт-коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш субъектларини кўпайтириш, ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари, маънавий жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етишишлари учун етарли шарт-шароитларни яратиб бериш зарурлигини таъкидладилар. Бу борадаги ишларда O‘zLiDePдан сайланган депутатларнинг таъсир кучи, партиявий салоҳияти ва обрў-эътибори устуворлик касб этиши лозимлиги айтилди.

Халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида Президентимизнинг “Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг молиявий эркинлигини ошириш, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг тўлиқлигини таъминлаш бўйича солиқ ва молия органлари жавобгарлигини кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижроси юзасидан 2019 йилнинг биринчи ярмида худудда амалга оширилган ишлар бўйича туман молия бўлимининг ҳисоботи эшитилди.

Назорат кучаймас...

Бугунги кундаги муҳим вазифалардан бири худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эркинлиги ва масъулиятини ошириш, маҳаллий бюджетларни шакллантиришнинг шаффофлигини таъминлаш ва унинг бажарилиши устидан назоратни кучайтиришдан иборатдир. Йиғилишда айнан шу йўналишда туманда олиб борилмаётган ишлар атрофида кўриб чиқилди. Юқорида тилга олинган фармон мазмун-моҳияти, амалдаги ижроси бўйича олиб борилмаётган ишлар

хусусида батафсил фикр алмашилди. Таъкидланганидек, туманда 2019 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича қатор истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга 16,4 триллион сўм миқдорда кредит ажратилган. Иқтисодиётда инвестициялар ўзлаштириш ҳажми 1,3 бараварга, янгидан ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари сони эса 2,3 бараварга ўсган. Солиқ сиёсатига киритилган ўзгартиришлар инobatта олинмаган бўлса, туманнинг маҳаллий бюджет даромадлари 45 миллиард 75 миллион сўмга етказили-

ши ёки 2018 йилга нисбатан 145 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Депутатлик гуруҳи йиғилишида, шунингдек, туман ҳокимиятининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари А. Тўхтаевнинг худудда автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, мавжуд инфратузилмани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги ахбороти ҳам тингланди.

Кун тартибидан муҳокама этилган иккинчи масала юзасидан ҳам депутатлик гуруҳининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Кредит қоғозда эмас, амалда ажратилляпти

Халқ депутатлари Олот тумани Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи йиғилишида “Агробанк”нинг ушбу худуддаги бўлими бошқарувчиси Ф. Сайидовнинг тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, ёшларга кредит ажратиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақидаги ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, шу кунгача шакллантирилган манзилли рўйхат асосида истиқболли лойиҳалардан 50 тасига 1 миллиард 847 миллион сўмлик кредит берилган. Шу тариқа жами 72 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилляпти. Жумладан, бошловчи тадбиркорлардан Элбек Холлиев нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, Ҳусан Норсаидов автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, Шухрат Саидов иссиқхона фаолиятини ташкил этишни мақсад қилиб қўйишган.

Кредит ажратилган тадбиркорлар паррандачилик, иссиқхона, асаларичилик, тикуччилик, куёнчилик, гўзаллик саломи, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича фаолият олиб боришляпти. Утган давр мобайнида тадбиркорликнинг айнан шу йўналишларида туманда 70 дан ортқ иш ўрни яратишга муваффақ бўлинди.

Депутатлик гуруҳи йиғилишида “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан 2019 йилнинг биринчи ярмида туманда амалга оширилган ишларни назорат-таҳлил фаолияти йўналишида ўрганиб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари Г.Баҳромовнинг ахбороти ҳам тингланди. Туманни ижти-



моий-иқтисодий ривожлантириш, саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, қурилиш-ободончилик ва бошқа йўналишларда амалга оширилган ишлар ва бу борада ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича атрофлича фикр алмашилди.

Асқор ИСТАМОВ, “XXI asr” муҳбири

Сотиб олинган мусибат

... Дугонасининг гаплари Дилдорани ўйлантириб қўйди. Назарида айтиладиган таклиф барча қийинчиликларига ечим бўладиган-дек, гўё. Эрининг топиш-тутиши ҳаминқадар, ўзи эса ҳеч қасрда ишламайди. Буёқда болалар бўй чўзаяпти. Қани, хўжайинга маслаҳат солсин-чи.

Дилдорани эшитгач, эри Тоҳирнинг фиғони фалакка кўтарилди, қаттиқ қаршичилигини билдирди. Бироқ бу билан масалага нуқта қўйилмади. Аксинча, галва қоли чокидан сўкилди. Энди ҳар куни бир марта бўлсаюм, шу ҳақда гап очилаверди. Охири эр кўнди. Болалари бир ҳафта Дилдоранинг онасиникида, бир ҳафта қайнонасиникида турадиган бўлди. Қарз-ҳавола қилиб, поездга чипта олишди.

Уларни хорик вокзалда бир аёл ва эркак кутиб олди. Шаҳар четидagi хилват жойда жойлашган ҳашаматли иморатда яна йигирма чоғли йигит-қиз бор эди. Ўша куни дам олишди. Эртаси куни эса икки барзанги қўриқловда келган хўжайин уларни обдон кузатди. Дилдоранинг кўнглига тушган гулу аллақачон Тоҳирга ҳам кўчганди. Паспортларининг ўзларидалиги таскин берарди, холос. Эркаклар алоҳида, аёллар алоҳида жойда ишлаши буюрилди. Бу ҳақда эшитган Тоҳир тутаётган кетди. У бундай шарт билан келмаганини, хотини билан бирга ишлашни айтиб туриб олди. Хўжайин ва шотирлари маъноли кўз уриштириб олгач, уларни шу ерга бошлаб келган аёл оҳиста гап бошлади.

— Ҳозирча шундай, сиз эркаклар аёлларга нисбатан оғирроқ ишларни қиласизлар. Улар ресторанда мижозларга қараш, фаррошлик каби ўзларига хос юмушларни бажаришади. Ҳафта сўнгиде яна ҳамма шу ерга қайтиб, душанба эрталаб эса яна барча ўз ишига кетади. Эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам алоҳида автобуслар хизмат қилади...

...Дилдораларнинг автобуси жуда узоқ юрди. Афтидан, бутунлай бошқа шаҳарга кетишди. Улар тушган манзил ресторан эмас, меҳмонхона экан. Бир хонага олти

киши жойлашди. Кечга яқин бир аёл келиб, паспортларини йиғиб олди-да, ўзбекчада қийин талаффуз билан уларга топширилган вазифани тушунтирди. Буни эшитган аёллар тўполон кўтаришди. Дилдоранинг дарду дунёсига ўт тушди. Кейинги пайтларда телевизорда кўп берилмаётган одам савдоси қурбонларининг аянчли тақдирлари кўз ўнгидан кино тасмасидай ўта бошлади.

Дилдоранинг шартга рози бўлмаслигини эшитган Аня (уларни қабул қилиб олган аёл)нинг фиғони фалак ўрлади. Ахир сотиб олганлари орасида энг кўхлиги шу жувон бўлса! Қолаверса, энг кўп пулни у учун тўлади, ахир! Шуларни ўйлаб ўширди: “Ҳали” менинг совунимга кир ювмабсан. Пулларимни ҳар бир тийинига “иш”инг билан тўлаб берасан!”

Барибир кўнамагач, Дилдорани оч-ташна қўйди, дўппослатди. Натижа бўлмагач, хийлага ўтди. Шотирларига айтиб эрининг, болаларининг суратларини топтириб келди. Юз-кўзлари йиғидан, калтак зарбидан ишиб кетган ожизани қоронғи, зах хонадан икки барзанги етаклаб Анянинг хонасига олиб кирди. Дилдоранинг кўнглидан: “Ўлим соатларинг ҳам яқинлашди. Ўзинг хорижчи орзу қилгандинг, Дилдор. Мана сенга орзу, мана сенга жараҳ-жараҳ пул! Тоҳир акам не қўйга тушдийкин? Эҳ бечорагинам, менинг гапимни қайтаролмай келганди-я, шўрлик нималар қилаётган экан? Менинг аҳолимни билмагани дуруст...” деган хаёллар ўтар, шу тоба ўлимига ҳам рози эди. Аммо...


Аня чиқиб кетгач, Дилдора ўзини ерга отди. Бор овози билан тақдирига лаънат ўқиди. Ўқсиниб-ўқсиниб фарёд урди. Қўлидаги суратларини маҳкам бағрига босди. Кулоғи остидан эса бағритош маккоранинг таҳдидли гаплари янгради:

— Майли, мен сени ортиқ мажбурламайман. Бироқ шартларимга рози бўлмасанг, мана бу суратлардагиларни йўқ қилиб юбораман. Эринг эса итдек ўлдирилади!

Дилдоранинг тақдирдаги энг қора, энг бахтсиз кунлар бошланди. Аяни йигирма беш ёшида орсизликнинг қурбонига айланди. Бир кунда ўнлаб мижознинг кўнглини овлаш...

Орадан уч йил ўтди. Бу вақт аёлни уч асрга қаритди, гўё. На эрининг, на болаларининг овозини эшитди у. Мана шу биқик қобикда шармандали ҳаёт ичида яшаётган Дилдоранинг барча умидлари пучга чиққанди. Унинг учун Ватанга, оилага қайтиш ҳам, яқинларининг, юртдошларининг нигоҳларига боқиш ҳам ор-номуси топталганида туганмас армонга айланиб улгурганди. Минг бир орзулар билан эри Тоҳирни ҳам ўзга тупроққа бошлаб келганидан афсус-надомат чекар, унинг тақдирини билолмай доғда эди. Яратгандан ҳеч йўқса эрининг юрта омон қайтишини, фарзандларига ҳам она, ҳам оталик қилиб бoш бўлишини сўрарди. Бироқ у билмасдики... Тоҳирнинг мурдаси аллақачон кафансиз кўмилганини. Билмасдики, хотинини излаб топиш учун қочишга уринганида жангарилар қўлига тушиб, уларнинг талабларига қарши чиққани боис хўрлаб ўлдирилганини...

Дилдора қочишга бир неча бор уринди, бироқ юраги дов бермади. Чунки бунга ҳаракат қилганларни қандай жазолашлари, шафқатсизларча хўрлашларини ва ҳатто қийнаб ўлдиришларининг гувоҳи бўларди. Бундай жазолар атайин бошқаларнинг кўз ўнгидан содир этиларди. Кунига беш-ўн нафар янги ожизалар олиб келинар ва бадавлат кимсаларга пулланарди. Ана шундай бойвучалардан бири Дилдорага жуда узоқ тикилиб ва астойдил харидор бўлиб қолди. Аввалига Аня уни сотишни истамади, мўмай



пулнинг дарагидан сўнг рози бўлди. Дилдора харидорнинг шотирлари етовида ҳашаматли машинага ўтирди...

Аёл бир томондан Анянинг қўлидан қутилганига шукр қилса, иккинчи томондан энди ўзини яна қандай ҳаёт, қандай қийинчиликлар кутаётганини билолмай ҳадиксирарди. Уни торгина, аммо шинам безатилган ётоқхонага олиб киришди. Ўн дақиқалардан кейин боғия бойвучча кириб келди. Креслога ястаниб ўтирди-да, аёлга ўткир нигоҳларини қадади:

— Кимсан?

Унинг соф ўзбекча талаффузи Дилдорани эсанкиратиб қўйди. Ахир бу тилни эшитишга муштоқ бўлмаганмиди? Йиллар ҳақматда шу тилда ҳеч бўлмаса биргина сўз айта олувчи инсон билан кўришишга интиқмасмиди? Мана, ҳозир қаршисидаги одам у билан ўзбекча сўзлашмоқчи.

— Сиз... Сиз ўзбекчани биласизми? — Кўзларига ёш қалқди аёлнинг.

— Келинг, сиз билан очикчасига гаплашиб олайлик. Бу ерга қандай, ким орқали келиб қолдингиз?

Дилдора ундан Аняникидаги каби муносабатни кутганди. Бироқ у кишининг нигоҳида ёмонлик аломатларини сезмади. Бошидан ўтанларини гоҳ йиғлаб, гоҳ алам билан гапириб берди. Уни жим тинглаган эркак

Дилдоранинг кўнглидан ўтаётган саволларга жавоб бера бошлади:

— Сиз ва эрингиз қидирувдасизлар. Оила аъзоларингиз ва яқинларингизнинг аризасига биноан халқаро қидирув эълон қилинган. Турмуш ўртоғингиз ўша вақтдаёқ жиҳодчилар томонидан ваҳишона ўлдирилган.

— Йўқ!!! — Дилдоранинг фарёди дунёни тугтиб кетди. — Алдаяпси! Ёлгон денг, илтимос! Ахир у мени деб келганди, менинг айбим бу! Мен ўлдирибман уни! — ўкинч ва чексиз изтиробга тўла ноласида надомат, пушаймонлик зоҳир эди. У чўкка тушганча тиззаларига муштлаб-муштлаб йиғларди.

— Сизни топиш учун қилинган ҳаракат мобайнида жуда кўп одам савдогарлари, хусусан, сизни хорижга сотган дугонангиз ҳам кўлга олинди. Эртага сизга ўхшаган алданганларнинг бир гуруҳини Ўзбекистонга жўнатимиз. Улар орасида сиз ҳам борсиз...

Дилдора кулоқларига ишонмади: наҳотки?..

Аэропортдан чиқар экан, ерга юзини босди, ерни ўлди. Она заминни тўйиб-тўйиб хидлади...

Зилола РАҲМОНОВА

ЭЪЛОН

Тадбиркорлар диққатига!

“Шўртан Газ Кимё мажмуаси”

масъулияти чекланган жамияти

маъмурияти вагон-цистерналарга ёпиштириладиган 400x300 ва 250x250 миллиметр ҳажмдаги ёпишқоқ ёрлиқлар (самоклеющиеся этикетки) тайёрлаш учун ўз хизматларингиз бўйича тижорат таклифларингизни 2019 йил 15 сентябрга қа-

дар жамиятнинг PPGB@sgcc.uz электрон почта манзилига юборишингизни сўрайди.

Манзил:
Ғуздор тумани
Шўртан қўрғони
Телефон: (75) 552-41-12

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

Тадбиркорлар диққатига!

“AUTO AUCTION CENTRE” масъулияти чекланган жамияти ҳамда “NBU INVEST GROUP” масъулияти чекланган жамияти ҳамкорликда 2019 йил 4 октябр куни соат 11:00 да мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириш тартибда ўтказиладиган очик турдаги аукцион савдосига бошланғич баҳоси 6 305 771 177 сўм бўлган “NBU INVEST GROUP” масъулияти чекланган жамиятининг “FUNNY KIDS WORLD” масъулияти чекланган жамиятидаги 84,38 фоиз улуши қўйилмоқда.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри Миробод тумани Авлиё ота кўчаси 13-уйда савдо ташкилот-чинининг савдо-лар залида ўтказилади. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва мулкнинг сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилот-чинининг мулк сотув нархининг 0,1 фоиз микдорда комиссия йиғим тўлаши лозим. Аукционда иштирок этиш учун бюртномаларни қабул қилиш, расмий иш кўнлариди мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 1 кун олдин соат 11:00 да тўхтатилади.

Аукционда иштирок этиш истагиди талабгорлар 15 фоиз закатла пулини аукцион ташкилот-чиси – “AUTO AUCTION CENTRE” масъулияти чекланган жамиятининг АИТБ “ИРАК YO’LI BANK” Миробод филиалида-

ги МФО: 01101, СТИР: 305901464, 20208000300950272001 ҳисоб рақамига тўлашлари лозим.

Улуши сотилаётган корхона билан яқиндан танишиш истагиди бўлган талабгорлар “FUNNY KIDS WORLD” масъулияти чекланган жамиятининг Тошкент шаҳри Олмазор тумани Қорасарой кўчаси 334-уй манзилига бориб танишишлари мумкин. Аукцион голиби улуш сотилиш баҳосининг бунак (аванс) пули сифатида камида 15 фоиз микдордаги қисмини олди-сотди шартномаси асосида 30 календар куни ичида, қолган қисмини эса 59 ой муддат ичида сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт. Аукционда иштирок этиш учун талабгорнинг мажбуриятлар бажарилиши таъминлини сифатида тўлаган закатла пули шартнома суммасига кирилади. Харидор улушни ўз номига расмийлаштириш учун монополияга

қарши қурашиш органларидан белги-ланган тартибда рухсатнома олиши шарт. Аукционда иштирок этиш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

— юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтгани тўғрисида гувоҳнома, устав нусхаси, шунингдек, аукционда иштирок этиш учун ваколатли вакил номига унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — жисмоний шахслар учун – паспорт (истикомат гувоҳномаси) нусхаси, аукционда ваколатли вакил қатнашган тақдирда унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома; — аукцион тўғрисида эълонда кўрсатилган банк ҳисобрақамига закатла

ўтказилганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Мурожаат учун:

Сотувчи – “NBU INVEST GROUP” масъулияти чекланган жамияти манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани Яхё Ғуломов кўчаси 95-уй.

Телефон: (71) 233-01-68.

Савдо ташкилот-чиси – “AUTO AUCTION CENTRE” масъулияти чекланган жамияти манзили: Тошкент шаҳри Миробод тумани Авлиё ота кўчаси 13-уй.

Телефон/факс: (71) 252-55-10.

Электрон манзил: autoauctioncentre@mail.ru.

Гувоҳнома: 656179.

Хизматлар лицензияланган.

Каракалпакский филиал

ООО “BEST AUTO AUKSION”

сообщает что 07, 14 и 21-октября 2019 года в 11.00 проводит открытые аукционные торги, на которые в порядке последовательного роста начальных цен выставляются:

1. Сельскохозяйственная техника принадлежащая Республиканскому Лепрозорию РК, расположенная по адресу; РК Нукусский район, ССГ Такыркол:

– Трактор марки Т-130. 1986 года выпуска, гос/номер 95/739BN. Начальная цена: 2.952.800 сум.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно. Прием заявок прекращается 04, 11 и 18 октября 2019 года.

Покупатель вносит залог не менее 20 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества с указанием номера и даты исполненного документа в справке уплаты на р/с №2020 8000 4008 0578 4004, МФО 00585, ИНН 305 089 257 КК филиала ООО “BEST AUTO AUKSION” в ОАК “Турон банк” г. Нукус РК. Адрес: РК г. Нукус ул. Темура №122. Телефон: +99861 222 88 80.

Хизматлар лицензияланган.

Ҳазилдан ташқари



140 000 нусхада!

Ҳеч ҳам муболага эмас.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллик шодиденаси муносабати билан O'zLiDeP партиявий фаолият дастурлари тарғиботини янада кучайтириш мақсадида уникал ташаббусга қўл урди. Яъни, сиёсий кучнинг асосий нашри - "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетасининг махсус сони янги форматда, 140 408 ададда чоп этилиб, ҳудудларга етказилди. Эътиборлиси, босма ОАВ йўналишидаги бундай партиявий кўламдор тарғибот Ўзбекистонда шу пайтгача ҳеч бир партия томонидан қўзғатилмаган эди. Демак, O'zLiDeP лидерлигини яна бир қарра исботлади!

Махсус сон ўз номига мос: партия тизимида амалга оширилган ишлар йиллар кесимида қиёсан таҳлил этилиб, инфографикаларга жамланди, сиёсий кучнинг парламент куйи палатасидаги фракцияси фаолиятига дохил муҳим маълумотлар, депутатлар томонидан бажарилган ишлар алоҳида ажратиб кўрсатилди. O'zLiDePдан наф кўраётган маслақдошлар мулоҳазалари, байрам табрикларига ўрин берилди. Лўнда қилиб айтганда, сафдошларимиз яқин училликдаги меҳнатлари самарасининг жамланмасини қисқа сатрлар ҳамда ажойиб дизайнда кўриш имкониятига сазовор бўлдилар.

Энг муҳими, тарғиботга бу тарздаги ёндашув



тобора эшик қоқиб келаётган янги парламентга сайлов кампанияси олдидан либералларнинг ўз сайловчиларига ўзига хос "ташриф қоғози" бўлди, дейиш ҳам мумкин. Марҳамат, газетани қўлга олинг, ўқинг, солиштиринг. Тахминий-туғул олди-қочдилар эмас, аниқ рақамлар сўзлайди.

Гапнинг индаллоси шу - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси халқ ичидан қозонган ишончини тобора мустаҳкамламоқчи, аъзолар сафини янада кенгайтирмоқчи. Сайловолди платформа тайёр, демак, бизни олдинда яна ажойиб янгиликлар кутмоқда.

Хабарсиз қолмайин десангиз, "XXI asr"ни кузатишда давом этинг! Кейинги сафар газета адади яна ошиши кутиляпти!

Реклама ҳуқуқида



Жаҳон суғурта бозори сари дадил қадам

Истиқлол яратган имкониятлар самараси ўлароқ мамлакатимиздаги бошқа соҳалар қатори суғурта хизматлари ҳам жаҳон бозорини забт этмоқда. Бу борада "KAFOLAT sug'urta kompaniyasi" AJ етакчи суғурта компанияларидан бири ҳисобланади.



Айтиш жоизки, компаниянинг биргина 2018 йилнинг ўзидан 1 миллион АҚШ долларлик суғурта хизматлари экспортини амалга оширгани бунга яққол мисол бўла олади. Унинг фаолиятига Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси экспортлари ва бошқа нуфузли чет эл ташкилотлари катта қизиқиш билдираётгани бежиз эмас.

қорлик шартномаларини имзолади. "International Underwriting Association of London" билан олиб борилган музокаралар натижасида компаниямиз юртимизда биринчи бўлиб ушбу халқаро ассоциациянинг аъзолари сафига қўшилди.

қопламалари бўйича келиб тушган 2 604 та мурожаат ҳар томонлама ўрганилиб, уларга 7,4 миллиард сўм суғурта қопламаси тўлаб берилди. Бунда жойлардаги хизматларимизнинг халқ билан яқиндан ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айниқса, республикамизнинг барча ҳудудларида 219 та бўлинмаимиз аҳоли ва ташкилотларга суғурта хизматларини тақдим этиб келаётгани айни мuddаодир.

Advertisement for "TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ XO'JALIGINI MEKANIZATSIYALASH MUHANDISLARI INSTITUTI" featuring a large building and text about irrigation and agriculture.

Advertisement for "ANDROMED ELITE" featuring a statue and text about insurance services.

Advertisement for O'zLiDeP party newspaper 'XXI asr'.

Advertisement for KAFOLAT insurance company with contact information.

Advertisement for 'XXI asr' newspaper with contact information.

Advertisement for 'XXI asr' newspaper with contact information.

Advertisement for 'XXI asr' newspaper with contact information.

УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ЖАМОАСИ

Элимизнинг хур
ва озод яшаши, бахтли
ҳаёти, обод турмушига
асос бўлган энг муҳим сана –
Мустақиллик байрами кутлуг
бўлсин, азизлар!

Тилагимиз – ҳаётимиз бунданда тўкин, ризқ-насибамиз
бутун бўлиб, жамики орзу-истакларимиз рўёбга чиқсин.
Озод ва обод Ватанимиз доимо гуллаб-яшнайсин!



Махсулотлар сертификатланган.




Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги жамоаси

жонажон юртимизнинг бунёдкор халқини

Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги
билан чин дилдан табриклайди!

Озод Ватанимиз мустақиллиги бахш
этган гурур ва ифтихор туйғулари ҳамиша
кўнгилларингизни мунаввар,
толеингизни баланд этсин.



Байрам барчамизга муборақ бўлсин!

SQB



Барча юртдошларимизни мамлакатимиз
мустақиллигининг 28 йиллиги билан самимий
муборақбод этамиз! Юртимиз тинч, осмонимиз
мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

Хизматлар лицензияланган.

КУТЛОВ



ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ

Хурматли фермерлар, деҳқонлар ва
томорқа ер эгалари, қишлоқ хўжалиги
соҳасидаги ишлаб чиқариш, қайта ишлаш,
тайёрлаш корхоналари вакиллари!

Сизларни Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигининг 28 йиллик шодиёнаси
билан чин юракдан муборақбод этамиз!

Сизга самимий тилаklarимизни етказган
ҳолда, халқимиз фаровонлиги йўлида олиб
бораётган масъулиятли ва машаққатли
ишингизда янги-янги зафарлар тилаймиз!
Заҳматли меҳнатингиз ва тизимли
саъй-ҳаракатларингиз Жамғармамиз
томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланишини
мамнуният билан маълум қиламиз!



Хизматлар лицензияланган.

“HAPPY LIFE MEDICAL CENTRE”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*ватандошларимизни мустақиллигимизнинг
28 йиллик шодиёнаси ила қизгин муборакбод этади.
Барчангизга, аввало, мустаҳкам соғлик,
тинчлик-омонлик, бахту саодат, хонадонларингизга
файзу саховат, касб-корларингизга эса барака, унум ва
зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.*



*Тошкент
вилоятидаги*

“SALAR EKOPRODUKT”

масъулияти чекланган жамияти

юртдошларимизни улуғ байрам

*Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги билан самимий
табриклайди ва ўз эзгу тилакларини изҳор этади.*

Сизларга сихат-саломатлик ёр бўлсин.

*Қалбингиздаги жамики улуғвор, эзгу мақсадларингиз
амалга ошиб, бошлаган ишларингизга муваффақият,
оилавий ҳаётингизда бахт-саодат
ёр бўлишини тилайди!*



Хизматлар лицензияланган.



Янгийўл туманидаги

“GLOBUS KAPITAL STROY”

масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*серкуёш диёримизда истиқомат қилаётган
ватандошларимизни мустақиллигимизнинг*

28 йиллик байрами билан табриклайди.

*Эл-юрт равнақи йўлидаги олижаноб ишларингиз
бароридан келсин, азизлар!*

Хизматлар лицензияланган.

■ **Навоий вилоятидаги “Жомарт жер” фермер хўжалиги раҳбари, “Саховат” савдо маркази директори, O’zLiDeP аъзоси Каромат Болтаевани ҳеч иккиланмай шижоатли ишбилармон аёллар сирасига киритишимиз, илғор тажрибасини кўпчилик ёшларга ўрнак қилиб кўрсатишимиз мумкин.**



Кам бўлманг, Каромат опа!



“Жомарт жер” фермер хўжалиги аслида чорвачилик ва паррандчиликка ихтисослашган. Лекин бугун “кўп тармоқли” деган таърифни берсак, муболаға бўлмайди. Томди туман статистика бўлими маълумотларига кўра, 4 минг кўй, 40 от, 80 туя боқиб, ҳар йили давлатга 30-35 тоннагача гўшт етказиб бераётган ушбу хўжалиқда туя жунини қайта ишлаш ҳам йўлга қўйилган. Энди фермер табиий тўқимачилик маҳсулотларини чет давлатларга экспорт қилиш устида бош қотираётир.

– Чорвачилик бизда яхши ривожланган, – дейди Каромат Болтаева. – Деярли ҳар бир оилада майда ва йирик шохли чорва бор. Чўл шароитида, айниқса, туячи-

ликни кенгайтириш мумкин. Тери ва жунни қайта ишлаш технологиясини жорий этиб, қишлоқдаги ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш имконияти катта. Масалан, жундан тўқилган кийимларга совуқ ўлкаларда харидор бисёр.

Мустақиллик шарофати билан тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани кўпчилик юрtdошларимиз сингари Каромат опа учун ҳам айни муддао бўлди. Узоқ йиллар савдода ишлаб, соҳа сирларини пухта эгаллаган қаҳрамонимиз мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишни мақсад қилди. Дастлаб фермер хўжаликни, кейинчалик ўзи меҳр қўйган касбини ривожлантириш мақсадида “Саховат”

савдо марказини ташкил этди. Агар 2002 йили ташкил этилган хўжалиқда 10 бош кўй боқилган бўлса, бугун хўжалиқнинг йирик ва ушоқ моллари, йилқи ва туялари 5 минг гектар яйловни эгаллаган. “Саховат” савдо марказидаги ишчилар сони 20 дан ортди.

– Чорва бошининг йил сайин кўпайиши эвазига хўжалигимиз даромади ортиб бориши табиий, албатта. Лекин бунинг ўзига яраша машаққати ҳам бор, – дейди фермер. – Чорвани қишдан талофатсиз олиб чиқиш, қиш чилласи учун ем-хашак ғамлаш, ҳар хил касалликлардан асраш доимий меҳнатни талаб этади.

Ҳалол меҳнатнинг нони ширин бўлишини қаҳрамонимиз ўз тажрибасидан яхши билади. Унга ҳавас қилиб, ортидан эргашаётганларга ҳам ҳалол яшаш, ҳалол ишлаш лозимлигини уқтиради.

– Ўсиб келаётган ниҳолни тўғри парвариш қилсангиз келажакда, албатта, мўл ҳосилини бермай қўймайди, – дейди Каромат Болтаева. – Ҳаётда бунга кўп бор гувоҳ бўлганман. Ёшларимизга тўғри маслаҳат бериб, улар илгари сураётган гоъларини қўллаб-қувватлашимиз лозим. Шунда ўзига бўлган ишончи ортади. Келажакда қоқилмайди демайман, лекин ўз мақсади йўлида собит туришни ўрганади.

O’zLiDePнинг фаол аъзоси сифатида “Саховат” савдо маркази

қошида бошланғич партия ташкилотини тузди. “Аёллар қаноти” лойиҳаси доирасида ўтказилган “Ишбилармон аёл” танловининг жорий йилги республика босқичида иштирок этиб, нуфузли ўринлардан бирига муносиб топилди.

Замон билан ҳамнафас суҳбатдошимни тажрибали фермер, ишбилармон тадбиркор, ташаббускор БПТ раиси сифатида таниб борар эканман, унинг эришга барча ютуқлари замирида оиладаги тотувлик, меҳр-оқибат мужассамлигини пайқадим. Каромат опанинг турмуш ўртоғи Баҳриддин ака Турсунов билан 25 йиллик умр йўли бир текис кечди, десак муболаға бўлади. Аммо ўзаро ҳамжиҳатлик, бир-бирини тушуниш ҳисси турли тўсиқларни енгиб ўтиб, бугунги кунда шукроналик шуқуҳини туйишига замин ҳозирлагани шубҳасиз.

Суҳбатдошимнинг ўзига ярашган табассум билан “Биласизми, ҳаётимнинг ортда қолган йилларига назар ташласам, ҳар бир сўқмоғида турмуш ўртоғимнинг менга йўлдошлигини кўраман. Мен ҳам турмушимиз давомида ҳамиша у кишига муносиб аёл бўлишга интилдим”, деган гапи, назаримда, чинакам аёллик бахтини ифода эта олди.

Наргиза ҚАҲҲОРОВА,
“XXI asr” мухбири



“САМАРҚАНД ТРАНС ПРЕСТИЖ” МЧЖ ЖАМОАСИ

*Юрtdошларимизни
фарахбахш айём –
истиқлолимизнинг 28 йиллик
шодиёнаси билан
табриклайди.
Тани сиҳатлик, руҳий
тетиклик, хонадонларингизда
шодумонлик, дастурхонингизга
мўл ризқ-рўз, умр
йўлларингизда
муваффақиятлар
ёр бўлсин!*

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ “СУВОҚОВА” ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

Ҳалқимизни Мустақиллик
байрами билан қутлайдигу.
ҳаётингизга ҳар доим
поқлик, беғуборлик, шоду
хуррамлик, кетмас давлат,
энг муҳими, кўнгул ободлиги
устувор бўлишини тилаймиз.
Эзгу мақсадларингизнинг
бари амалга ошиб,
юртимиз кўрқизга кўрк
бўлиб қўшилаверсин!


САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН

“ZAMIN SAYQAL NUR TRANS”

МЧЖ ЖАМОАСИ

**Ватанимиз шонли тарихида асло
ўчмайдиган, ёрқин саҳифа бўлиб
ёзипадиган қутлуғ сана –
Мустақиллик куни барчамизга муборак
бўлсин, азизлар!**

**Умр йўлингиз равон ва чароғон, ҳар бир
дамингиз хурсандчиликларга лиммо
лим, дастурхонингиздан эса қут-барока
аримаслигини тилаймиз.**



Буюк ва муқаддас юртимиз мангу яшасин!

TEKLED

TEKAVIZE

TEKMETAL

ТЕХНО ЛАЙТ

V:KO
by Panasonic

Ecolite



“TEKLED”

ЧИРОҚЛАР МАРКАЗИ САВДО ДЎКОНИ ЖАМОАСИ

Бунёдкор, меҳнаткаш, мард ва саховатли, бағрикенг ва олижаноб юртдошларимизни Ўзбекистон Мустақиллигининг 28 йиллик шодиёнаси билан муборакбод этади. Фарахбахш айём лаҳзаларида сизларга мустаҳкам соғлиқ, нурафшон манзиллар ва албатта порлоқ келажак ёр бўлишини тилаймиз. Бежирим чироқларимиз хонадонингизни ёритиб, қалбингизга нур олиб кирсин.



Манзилимиз Тошкент шаҳри, Арнасой кўчаси 34/1.

Телефон: (71) 271-13-34 (97) 407-07-68.

e-mail: m.djuraev@teksan.biz web-site: teksan.biz

Маҳсулотлар сертификатланган.



“XINJIANG SHIFO FARM” МЧЖ ЖАМОАСИ

Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги байрами билан барчангизни чин дилдан қутлайди. Тилагимиз истиқлол нашидаси, байрам сурури ҳар бирингизни яхши ниятлар ва эзгуликлар сари ундайверсин! Тани-сиҳатлик, тинчлик-хотиржамлик ҳамда фаровонлик доимий ҳамроҳингиз бўлсин!



Манзил: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 112-уй.

Маҳсулотлар сертификатланган.

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

Барча қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берувчи тадбиркорлар, корхона ва ташкилотлар диққатига!

Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Шўртан кўрғонида жойлашган “Шўртан газ кимё мажмуаси” масъулияти чекланган жамияти томонидан мажмуа ишчиларининг умумий овқатланиш таъминоти учун озиқ-овқат маҳсулотлари хариди бўйича 2019 йил 27 августдан 10 сентябрга қадар **очик танлов савдо-лари ўтказилади!**

Танлов шартлари ҳақидаги тўлиқ маълумотлар билан мажмуанинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайти (www.sgcc.uz) орқали танишишингиз мумкин.

Тижорат таклифлари қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:

Ғузор тумани Шўртан кўрғони
“Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ.
Факс: (75552-40-16)
Электрон почта: sgcc@sgcc.uz
Маълумот учун телефон:
(75) 552-41-74, (75)552-42-25

Маъруза сондаги қўшимча саҳифалар обуначиларга бепул тақдим этилмоқда.



MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARONLAR
HARAKATI –
O‘ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

XSKI
ЎТИМОИЙ-СИЙOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ Аҳам ШОДМОНОВ
Баҳтиёр ЯКУБОВ Тулкин ЭШНАЗАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ Виктор ПАК
Мавлуда ХУЖАЕВА Насимжон АЛИМОВ
Сирожиддин САЙИДИ Аслиддин АЛИМАРДОНОВ
(Бош муҳаррир уринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73^а-уй.

Электрон почта:
xxi_ast@umail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80
(тел./факс).
Котибият – 71 281-40-17
Обуна ва реклама
бўлими –
71 215-60-45, 71 255-68-50

“XXI ast” иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда
0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбуот акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 6 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 858 Тираж: 7266
Баҳоиси келишилган нархда.
ЎзА яқуни
Топширилди

Таҳририятга келган қўлзмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI ast” дан олинган маълумотларга манаба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ҳамда дизайнер
Маърузжон Раҳмонов
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
12345

Навбатчи муҳаррирлар:
Аслиддин АЛИМАРДОНОВ, Элбек ШОЙИМКУЛОВ.